

У шундай хаёллар билан онаси ювиб дорга осиб қўйган кийимларини олиб кийди. Кейин ошхонага кириб, фона билан пичоқни ёнига солди. Яхшигина "куроллангач", секин кўчага чиқди.



Футбол мутахассислари, футболчилар ва мухлис-лар ЖАРда жаҳон кубогини қўлга киритиши мумкин бўлган жамоалар ҳақида деярли бир хил тахминларни билдирмоқдалар.



Ҳуқуқ

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2010-yil 3-iyun, №22 (699)

Табиат қонунлари олдида жавобгармиз



5 июнь – Жаҳон атроф-муҳити муҳофаза қилиш куни

Жаҳон ҳамжамияти ва алоҳида олинган давлатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида олиб бораётган ури-нишларига қарамай табиий муҳит имкониятлари ва захиралари-дан нораціонал фойдаланилган ҳолда замонавий технологик асосларнинг шиддатли ривожлани-ши натижасида инсоният ян-гидан-янги муаммоларга дуч кел-моқда. Мутахассис олимларнинг тахминларига кўра, дунё бўйича ҳар соатда бир ҳайвон ва бир ўсимлик тури йўқолиб бораётти. Уларнинг баъзиларини ҳайвонот ёки ботаника бөлгарида учратиш мумкин, ҳоло. Маълумотларга қараганда, қўлланилган тербицид ва пестицидлар таъсирида 180 га яқин ҳайвон тури йўқ бўлиб ке-тиш арафасида.

Бирлашган Миллатлар Таш-килотининг биринчи экологик акцияси - табиатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишлан-ган халқаро илмий-техникавий анжуман 1949 йилда Лейк Сак-сес (АҚШ)да ўтказилган. 1960 йиллардан бошлаб эса алоҳида ва бир-бирига бөлиқ бўлмаган тад-бирлардан доимийликка асослан-ган янги йўналишдаги анжуман-лар ўтказиш кузатила бошланди. Табиатни муҳофаза қилиш бир мамлакат ёки бир халқнинггина эмас, умумжаҳон вазифасига ай-лангани эътиборга олинб, БМТнинг 1972 йил 5-6 июнь кунлари Стокгольмда бўлиб ўтган конференциясида Япония ва Сенегал делегацияларининг тақлифига асосан 5 июнь - Жа-ҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни, деб эълон қилин-

ди. Жаҳон ҳам-жамиятининг бу саъй-ҳаракати ўтган асрнинг иккинчи ярмида табиатга бошлан-ган хуружнинг бир қадар олди олинишига имкон яратди. Шун-дан сўнг экологик хавфга қарши халқаро битимлар, келишувлар, Конвенция ва шартномалар ра-тификация қилинди.

1992 йил июнь ойида Брази-лиянинг Рио-де-Жанейро шаҳ-рида атроф-муҳит ва ривожла-ниш бўйича БМТнинг конферен-цияси бўлиб ўтди. Конференци-янинг шиори "Сайёрамизни сақ-лаб қолишнинг охириги имкони-яти" дейилиши ҳам экологик му-аммоларни бартараф этишга йўналтирилганлиги билан аҳами-ятлидир. 2002 йил август-сентябрь ойларида эса Жанубий Африка-нинг Йоханнесбург шаҳрида бар-қарор ривожланиш бўйича Жа-ҳон саммити бўлиб ўтди. Бу Сам-мит ҳам нуфузли форумлардан бири ҳисобланиб, унда 191 та мамлакат вакиллари, 104 та дав-лат ва ҳукумат бошлиқлари, уму-ман олганда, қарийб тўрт минг киши иштирок этиб, унда сув таъминоти, канализация, энер-гетика, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, биохилма-хиллик ва экотизимни бошқа-риш масалалари кўриб чиқилди.

Африка, Марказий Осиё, Шимолий Америкадаги баъзи кўللарнинг қуриб кетиши сайё-рамизнинг ҳайвонот ва ўсимлик-лар оламига жиддий салбий таъ-сир ўтказмоқда. Ўтган асрнинг ик-

/Давоми 5-бетда/

Идоралараро семинар кенгаши

Жорий йилнинг 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ташаббуси билан Навоий вилоят прокуратурасининг катта мажлислар залида Бухоро ва Навоий вилояти прокурор-тергов ходимлари, Миллий хафсизлик хизмати, Ички ишлар вазирилик органи-ларининг терговчилари, судья ва адвокатлар иштирокида Идорала-раро семинар кенгаши бўлиб ўтди.

Ингилишда Ўзбекистон Рес-публикаси Адвокатлар палатаси раиси Т.Саидов, Республика Олий судининг судьяси И.Муе-лимов, Республика Бош проку-ратураси Ички ишлар вазирилик органиларидан қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи Э.Жўраев ва бошқалар иштирок этишиб, кун тартиби-даги масала юзасидан маърузалар қилинши ва иштирокчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоб бериши.

Семинар-кенгаш йиғилиши-да тергов сифатини яхшилаш, тергов ҳаракатлари жараёнида йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш, прокурор-тергов ходимларининг касб маҳорати ва малакасини ошириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлсада, бу йўна-лишда, айниқса, дастлабки тер-гов давомида айрим жинойт иш-лари бўйича жинойтларни квали-фикация қилишда хато-камчи-ликлар ва қонунбузилиш ҳолат-

Нурмурад АВАЗОВ,
Навоий вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

ларига ҳамон йўл қўйилиб кели-наётганлиги, айбдор шахслар-нинг ҳаракатини нотўғри квали-фикация қилиш ва уларга ЖКнинг муайян моддалари бил-ан ортиқча айб эълон қилиш каби салбий ҳолатларга барҳам берилаётганлиги натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликлари бузилаётганлиги ҳамда тергов органларининг обрўсига путур етказилиши билан бир қаторда жинойтчиликнинг сунъ-ий равишда ўсиб кетишига са-баб бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, фаолиятда учра-ётган муаммолар ҳусусидаги му-нозаралар давомида иштирокчи-ларнинг фикр ва мулоҳазалари тингланди ва атрофчида муҳока-ма қилиниб, тегишли тушунти-риш ва тавсиялар берилди.

Ингилишда Навоий вилоят прокурори Б.Жамолов сўзга чи-қиб, масала юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Ингилиш якунида инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлар-нинг ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа эканлиги, уларнинг ҳақ-хуқуқлари поймол қилиниши-га ҳеч ким ваколатли эмасли-ги, қонунчилик ва қўсма кўрсатма талаблари ижросига масъулияти бўлиш таъкидлаб ўтилди.

Ёшларни иш билан таъминлаш – устувор вазифа

Бугунги кунда ёшларга бўлган эътибор ҳар қачонгидан-да юқори. Биргина жорий йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинишининг ўзи ҳам бу борадаги ислохотларнинг нечоғли му-ҳим аҳамият касб этаяётганини далолат беради. Чиндан ҳам, эртанги кунимизнинг қандай бўли-ши бугунги ёшларнинг пухта билим олишлари, илмий салоҳиятлари, буюк келажак сари юксак ишонч билан дадил оқимлашларига боғлиқ.

Наманган шаҳар прокуратураси ҳам ўсиб-ул-гайиб келаётган ёшларимиз камоли, вояга етма-ганлар ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси бораси-да бир қатор эзгу ташаббуслар билан чиқмоқда. Жумладан, шаҳар прокуратураси томонидан Ва-зирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фа-олиятини такомиллаштириш ҳақида"ги 360-сон-ли Қарори ҳамда Республика Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фа-олиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Буйруғи ижросини таъминлаш, умумтаълим мак-табларининг 9-синф битирувчиларини таъминлаган

кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш мақсадида шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида касб-хўнарга йўналтириш услубий хонаси ташкил этил-ди. Бундан кўзланган асосий мақсад, 9-синф би-тирувчиларини таъминнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этишини таъминлашдир.

Шаҳар халқ таълими бўлимида ташкил этил-ган услубий хонада Наманган шаҳридаги барча битирувчи ўқувчилар ҳақида маълумотлар банки яратилган бўлиб, бу ерда улар ўзлари танлаган коллеж ёки академик лицей ҳақидаги саволларга жавоб оладилар. Шунингдек, бу даргоҳда доимий равишда турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ва очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда.

Жорий йилда шаҳарда жойлашган 16 та касб-хўнара коллежини 6115 нафар турли мутахассис-ликларга эга бўлган талаба тамомлайди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда шаҳарда 4082 та хўжалик юритувчи субъект, кичик корхона ва хусусий фир-ма фаолият олиб бормоқда ҳамда ушбу корхона-ларда 559 та бўш иш ўринлари мавжуд.

/Давоми 3-бетда/

Аёлларнинг ҳуқуқий ҳимояси

Республикамызда олиб бори-лаётган ислохотлар қаторида аёл-ларнинг жамиятда тутган ўрни-ни мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофа-засини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида "Аёлларга нисбатан зўравонликни яхшилашга қарши курашининг ҳуқуқий во-ситалари" мавзусида давра суҳба-ти бўлиб ўтди. Давра суҳбатини Ўзбекистон Хотин-қизлар қўми-таси раиси ўринбосари Г.Маъру-фова кириш сўзи билан очиб бер-ди.

Ингилишда сўзга чиққан маъ-рузачилар БМТнинг "Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенциясининг ўзбекистон CEDAV Конвенциясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Рес-публикасининг тўртинчи даврий маърузаси бўйича якуний тавси-

Гули ХОЖИБОЕВА,
«Huquq»

ялари" тўғрисида, хотин-қизлар-нинг ҳаёти ва соғлиғига қарши, жумладан, руҳий, жинсий ва жисмоний жинойтларнинг олди-ни олиш, аёлларнинг ижтимо-ий-иқтисодий ҳуқуқларини таъ-минлашда прокуратура органла-рининг вазифалари ва вояга ет-маган қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ўрни ҳақида маърузалар қилинди. Шунинг-дек, давра суҳбатидида "Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олди-ни олиш ҳақида"ги Қонун лойи-ҳасининг асосий меъёrlари ва "Аёллар ҳуқуқларининг камсити-лишининг барча шаклларида бар-ҳам бериш" Конвенциясини амалга ошириш масалалари му-ҳокама қилинди.

Долзарб мавзу муҳокамаси

Бугунги кунда Республика-мизда шаҳарсозлик ва архитектура ривожлантириш, худудлар, айниқса қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолига янги уй-жойлар қуриш ва қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўплаб дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 августдаги 165-сонли Қарори билан тасдиқланган "2005-2010 йилларда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари Дастури"га мувофиқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш ва уларнинг турмуш даражаларини янада юксалтириш мақсадида 2009 йилда намунавий лойиҳалар асосидаги 847 та уй-жойлардан иборат замонавий қишлоқ массивларини қуриш ишлари олиб борилган бўлса, 2010 йилда 159 та туман худудидан танланган 213 та (1154,8 га) ер мазсалаида 6180 та замонавий уй-жойлар тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилкоқ-да.

Шу билан бирга Бош прокуратура томонидан шаҳарсозлик, архитектура ва ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ижросининг ҳолати юзасидан ўтказилган текшириш натижаларини борада худудларда айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган, 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2010 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишларга бағишланган йилги шайхона Юртбошимиз кўрсатиб ўтганидек, шаҳарсозлик ва архитектура соҳасида қонунчилик талабларига амал қилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Бунга бошқа сабаблар қатори қўйи бўйлаблардаги мутахассисларнинг касб малакаси пастлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Худудлардаги бу каби муаммо

Ислом ЖАСИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

ва камчиликларни муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаш мақсадида жорий йилнинг 14 май куни Вазирлар Маҳкамаси коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустриyasi масалалари комплексининг кенгайтирилган йилгили бўлиб ўтди.

Кенгайтирилган йилгилида Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Бош прокуратура вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг капитал қурилиш масалалари бўйича ўрин-босарлари, худудий илора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашилди.

Йилгилида худудларда аҳоли пунктларининг бош режалари ва шаҳарсозлик ҳужжатларига зид равишда, лойиҳа муаллифлари розилигисиз ва тегишли идораларнинг ижобий хулосаларисиз ер майдонлари ажратиш ҳолатларига йўл қўйилгани, оқибатда, айрим объектларнинг қурилиш ишлари мезморий метрлар, коммуникациялар, транспорт, экология, санитария ва аҳоли пунктларининг истиқбол режаларига боғланмиган ҳолда амалга оширилгани қайд этилди.

Жойлардаги маҳаллий ҳокимлик, табиати муҳофазат қилиш, ер ресурслари ва давлат қадасати, қишлоқ ва сув ҳўжалиги худудий органлари раҳбарларининг ҳўқайдилай гуфайлий қишлоқ лўқайди фондига қарашли бўлган, шу жумладан, суғориладиган майдонлардан ва ўрмон фонди майдонларидан ҳам ер ажратиш ҳўлатларига йўл қўйилган.

Шунингдек, қурилиш тўғалданган объектларни фойдаланишга қўбул қилиш жараёнида ҳокимиятлар ҳўзурида ташкил этилган худудий комиссиялар фаолиятида жиғдий камчиликлар ҳам учрамоқда. Хўсузан, жойларда объектларни фойдаланишга қўбул қилиш кўп ҳўларда муаллифлик

назоратини, пудрат ишларини амалда кўришни, назорат ўлчовларини, қурилиш материаллари ва уларнинг намуналарини лабораторияда синашни, амалга оширилган ишлар қайд этиладиган журналларни, асбобларни ўлчаб бориш назоратини текширмадан туриб амалга оширилган.

Шу билан бирга, аҳоли пунктларини комплекс қуришни назорат қилиш ва ноқонуний қурилишларни бартараф этиш худудий комиссиялари фаолиятини ташкил этишда жиғдий камчилик ва нуқсонлар аниқланган.

Текшириш натижаларига кўра, прокуратура органлари томонидан қўбузғилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 176 та тақдимома киритилган. Ҳокимлар ва бошқа мансўбдор шахсларнинг 1205 та ноқонуний қарорларига протестлар келтирилиб, бекор қилинган ҳамда ноқонуний қурилишларни бартараф этиш бўйича судларга 579 та ариза киритилган. Натихада 173 гектар ер майдони давлат захирасига қайтарилган.

Бундан ташқари, 358 нафар мансўбдор шахсга қўнул бузилишга йўл қўймастик ҳақида расман оғҳўдангириш эълон қилинган, 709 нафар мансўбдор шахс маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортилган. Бу борадаги қўбул равишда қўнул бузилиш ҳўлатлари бўйича эса 28 та жиноят иши кўзғатилган.

Шунингдек, кенгайтирилган йилгилида худудларда мавжуд муаммолар, камчиликлар, қўнул бузилиш ҳўлатлари ва уларга шароит яратиб берган мутасадди раҳбарларнинг фаолияти танқид қилиниб, уларга нисбатан тегишли қатъий кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга шаҳарсозлик, архитектура ва ер ресурсларидан фойдаланиш масалаларига оид амалдаги қўнулчиликни тақомиллаштириш юзасидан ҳам аниқ тақлифлар ишлаб чиқилиб, уларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди.

Бу чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш ҳамда доимий назорат қилиш бўйича Идораларо ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Бундан ташқари, йилгилида соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бу каби ҳўлатларни келтириб чиқармаслик юзасидан аниқ чоралар белгилаб олинди.

Инсон шаъни муқаддас

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қўнунга битован Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳўқуқига эга. Туртқўл туман прокуратураси ходимлари мазкур қўнул ва Республика Бош прокурорининг 2004 йил 10 декабрдаги "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қўнулчиликни таъминлаш тўғрисида"ги буйруғи ижроси юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Бунда асосий эътибор, уларнинг бузилган ҳўқуқларини тиклаш ва қўнулчилик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ҳўқуқни муҳофазат қилувчи ва назорат органлари мансўбдор шахслари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини қўбул қилиш ва кўриб чиқилиши асосис рад қилиш, ўз вақтида кўриб чиқмаслик, улар юзасидан ноқонуний қарор қуриш каби ҳўлатларга қарши кескин чоралар кўрилкоқда.

Жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида туман прокуратураси ходимлари томонидан турли масалалар бўйича келган 57 нафар фуқаро қўбул қилинди. Фуқаролардан жами 159 та ариза ва шикоят келиб тушди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32 фоиз кўдир. Ариза ва шикоятларнинг 61 таси туман прокуратураси томонидан текширилиб, қўнулчилик ҳўлати бўлиб, Шундан 8 таси қаноатлангирлиб, 53 таси бўйича тушунтиришлар берилди ҳамда 2 та ариза бўйича фуқароларнинг бузилган ҳўқуқлари тикланди. Масалан, Туртқўл шаҳрида яшовчи Рима Тажибаева қизи Санобар Шерипбаеванинг қарамондаги икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун қарздор Элимурат Каипов алимент пулини 2007 йил апрель ойидан 2010 йил январь ойига қадар тўламай келгўнлиги ҳақида мурожаат қилди. Ушбу ҳўлат юзасидан текшириш ишлари оlib бориляганда, ундаги фактлар тасдиқланди. Э.Каиповга нисбатан жиноят иши кўзғатилди ва Р.Тажибаеванинг аризаси тўлиқ қаноатлангирлиди.

Бундан ташқари Эликкатъна туманида яшовчи Муқаддас Реймова Туртқўл туман марказий касалхонаси томонидан учинчи фар

Ф.АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
Туртқўл туман прокурори

зиди учун декрет пули берилмай келинаётганлиги ҳақида мурожаат қилган эди. Ушбу ҳўлатни текшириш жараёнида аризаچининг 515712 сўмлик декрет пули тўлиқ ундириб берилди.

Прократурага келиб тушган ариза ва шикоятларнинг 95 таси ҳал қилиш учун тегишлилиги бўйича бошқа муассасаларга юборилган бўлиб, уларнинг натижаси назоратга олинди. 3 таси аноним деб топилди ва "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қўнунинг 6-моддасига асосан текшириш ҳаракатлари тўғатилди. Шунингдек, айрим мурожаатларда кўрсатилган ҳўлатларнинг тасдиқланмаганлиги сабабли ариза муаллифларининг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳўлатлари ҳам учраб турибди. Мисол учун, Туртқўл тумани "Қумбоскан" овул фуқаролар йилгилида яшовчи Гулжан Байчипонова 50-мактаб директори томонидан мактаб мулки талон-торож қилинаётганлиги ҳақидаги мурожаати юзасидан мутахассисларни жалб қилиш ҳўлда текшириш олиб бориляганда, аризада қўрсатилган вақтар ўз тасдиғини топмади. Шунингдек, текшириш чоғида мактаб маъмурияти ва "Қумбоскан" ОФИдан фуқаро Г.Байчипонова томонидан тўғат қилинаётганлиги ҳўлда қарам-қарши аризалар келиб тушди ва унга нисбатан МЖТКнинг 40-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка доир иш кўзғатилиб, судда кўриб чиқиш учун юборилди.

Инсон шаъни муқаддас, ҳўқуқ ва эркинликнинг дахлсиз. Мамлакатимизнинг Конституцияси ва қўнулчилик асосида уларга шундай ҳўқуқлар берилган. Айни пайтда унинг зиммасига кўплаб мажбуриятлар ҳам оқлатилган. Яъни сўз, фикр эркинлиги экан, деб бировларнинг шаънини топташга қўнулларимиз йўл қўймайди. Ҳокимларимиз томонидан маҳалаларда, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида янги қўнуларнинг мазмун-моҳияти, аҳоли, хўсузан, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш муаммоларига бағишлаб ўтказилаётган учрашуларда масаланинг шу жиғларига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий салохиятини мустаҳкамлашда тадбиркорлик фаолиятининг ўз ўрни, мавқеи бор. Бироқ хўсусий бизнес соҳасида носоглом рақобат муҳитини туғдираётган, контрабанда йўли билан товар олиб келаятган ёки хўфийна ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган сохта тадбиркорлар иқтисодиётимизга зарар етказмоқдалар. Биринчидан, уларнинг даромадлари хўфийна иқтисодиётда — банкдан ташқарида ҳаракатда бўлади. Иккинчидан, контрабанда орқали келтирилган ёхуд яширин цехларда тайёрланган маҳсулотнинг сифатига ҳеч ким жавоб бера олмайди.

Ана шундай ноқонуний фаолиятнинг пайини қирқиб шўн учун Бош прокуратура ҳўзуридаги СВОЖДҚК Департаментининг Янгийўл шаҳар бўлими ходимлари томонидан қўнулчиликка белгиланган тартибда кескин чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хўсузан, ҳўқуматимизнинг "Спирт ва алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устида давлат назоратини қўчайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида ўтказилган рейд тадбирлари давомида спиртли ва алкоғолли маҳсулотларнинг қўнунга зид бўлган савдосига чек қўйилиб, улар бўйича тўпланган ҳўжатлар қўнулчилик чора кўриш мақсадида тергов ва суд органларига ўтказилди. Жумладан, бўлим ходимларининг Янгийўл шаҳридаги Самарқанд кўчасида ўтказилган тезкор

Эгри йўлнинг ўмри қисқа

Улугбек АБДУРАҲМОНОВ,
СВОЖДҚК Департаментининг
Янгийўл шаҳар бўлими бошлиғи

тадбирида фуқаролар Анвар Азимов, Раҳмат Қаҳрамонов ва Раимжон Қаҳрамоновлар ўзаро тил бириктириб, қалбаки 4.000 донга акциз маркани, 9.000 донга "Тошкент ароғи" номли этикеткаларини, 8.000 донга ароқ қопқоқларини ва 9.000 донга "Тошкент комбинати" товар белгиси туширилган полиэтилен капсулаларини 2.000.000 сўмга сотаётган вақтида ушландилар. Ҳўқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судида ушбу қўнулбузилиш ҳўлати кўриб чиқилиб, ҳўқуқбузарларга тегишли жазо чоралари тайинланди.


Департаментнинг Янгийўл шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилаётган тезкор тадбирларнинг бирида қўлбола усулда спиртли ичимликларни қадлоқлаб, уларни сотиш билан шуғулланиб келган шахсларнинг яширин цехи фаолиятига чек қўйилди. Гап шундаки, Янгийўл шаҳрида яшовчи Бахтиёр Гофуржонов тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан, яширин цех ташкил этиб, алкоғолли маҳсулотларни қўнунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиб келган. Тадбирда унинг яширин цехидан

қўлбола усулда тайёрланган 30 донга "Диккий гуё", 30 донга "Телеграмма" номли ароқ маҳсулотлари, ароқ тайёрлашга мўлжалланган бошқа анжомлар далилий ашё сифатида олинди. Маҳсулотларнинг истеъмолга яроқлилик даражасини аниқлаш мақсадида улар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборатория текширувига топширилди. Лаборатория текшируви эса улар истеъмол учун яроқсиз, инсон саломатлигига жиғдий хавф солиши мўмкин, деган хўлоса берди. Ҳўлат юзасидан ҳўжатлар расмийлаштирилди. Сохта тадбиркорларни фўш этиш, яширин ишлаб чиқаришнинг олдини олиш, энг муҳими, яширин ароқ цехларини манба билан таъминловчиларни аниқлаш борасида олиб бориляган тезкор тадбирда фуқаролар Хайрулла Мўхамедов ва Абдурахим Мирзаевлар Қўзғистон Республикасида ишлаб чиқарилган, айланма йўллар орқали мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилган 1,5 литр ҳажмли 120 донга жами 180 литр бўлган

"Реал" номли спирт маҳсулотларини олиб келаятган вақтида қўла олинди. Тегишли ҳўжатларга эга бўлмаган спирт маҳсулотлари далилий ашё сифатида олинди. Ҳўқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилиб, суд томонидан жазо чоралари белгиланди.

Жиноят кўчасига қадам қўйганлар турли қингир йўл қидирашди. Бу йўлда биров белгиланган йилмура, фойда солиғини яширишга уринса, яна бошқа биров савдода айланма йўлдан юриб, қўнул химоячиларига чап беришга ҳаракат қилишди. Янгийўл шаҳар Шерматовна қўчасида жойлашган савдо шохобчасида фуқаро Фарҳод Ибрагимов ноқонуний равишда тамаки савдоси билан шуғулланган. У тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмай тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳўқуқини берадиган рўхсат гувоҳномасисиз, айланма йўллар орқали мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилган "Собрание" номли тамаки маҳсулотини 2 минг сўмга сотиб, харидорга чек ёки унга тенглаштирилган квитанция бермаганлиги аниқланди. Тезкор тадбир якунида ҳеч қандай ҳўжатларга эга бўлмаган 22 турдаги 1642 қўти тамаки маҳсулотлари далилий ашё сифатида олинди. Қўнуларга чап бериб, мўмай бойлик ортидан қувган бу сохта тадбиркорга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилди.

Универсиада — 2010



Беназир таълим-тарбия омили

"Болам бағримга қайтди" деди қабулга кирган онахон. "Уришиб, бировни қўлидаги телефонини тортиб олиб, миллициянинг қора рўйхатига тушсаям ақди кирмаган эди. Гап кор қилмасди. Мени, туққан онасини жеркиб ташлар, ногирон отасини ҳам назарига илмасди. Кураш тўғарагига қатнай бошлаганида энди муштумзўрга айланиб, бошимизда ёнғоқ чақади, дея юрагимни ҳовучладим. Худого шукур, бунинг асби бўлди. Ичмай, чекмай қўйди. Кечкурунлари кўчаларда изишни бас қилди. Қай бир мусобақада ютганидан кейин батамом ўзгарди. Тилидан бол томаёпти, туппа-тузуқ ўқияпти. Илойим боламни ўша посбонларни тўғарагига тортиб йўлга солган, бағримга қайтарган яхшилар барака топишин".

Дарвоқе, Асака шаҳар прокуратураси, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ташкил этилган "Посбон" спорт клуби ўсмирларнинг иродасини чиниктириш, йўлдан адашган вояга етмаганларни қайта тарбиялаш мақсабига айланди. 600 нафардан зиёд болалар эгулик фалсафасига асосланган шарқона кураш услубларини ўрганиб, халқаро нуфузли мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этишяпти. Уқишда, юриш-туриш, одоб-ахлоқда тенгдошларига ибрат бўлишмоқда.

Фарзандларимизнинг одобли, билимдон ва жисмонан чиниқиб ўсиб-ўлғайишлари, олдидарига қўйган мақсадларига эришишлари, орзулари рўбга чиқиши учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юқори савияда таълим-тарбия бериш, касб-корга йўналтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш имкониятини ҳавола этиш борасидаги қонунлар тақомиллаштирилмоқда. Ўсмирларга қонунларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳини синдириш, тарбияси издан чиққан, ҳуқуқбузарликка мойил вояга етмаганлар билан алоҳида иш юритиб, ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келмоқда.

Кисмининг ҳар томонлама етуқ инсон бўлиб етишишида спорт машғулотларининг ўрни бекиёс-лиги исбот талаб қилмапти. Президентимизнинг ташаббуси билан шарт олиб, мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинлари оммавийлигидан ташқари турли босқичларда иштирок этиб, куч ва маҳоратни синаш, голибликка интилиш жараёнида ўқувчи ёшлар ва талабаларда доимий шугулла-ниш кўникмасини шакллантириш билан ҳам бекиёс аҳамият касб этмоқда. Нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка қишлоқларда ҳам барпо этилган стадион ҳамда спорт залларининг турли машғулотларга қизикқан болалар

ва ўсмирлар билан гавжумлиги ҳам диққатга сазовориди.

Президентимизнинг таъбири билан айтганда, "Универсиада" ўйинлари талаба ёшларнинг нуфузли спорт анжуманига, кичик олимпиадага айланди. Одатда олимпия ўйинларини ўтказиш учун танланган мамлакат ёки шаҳарда тайёргарлик кўриш, қурилиш, бунёдкорлик ишлари кенг туси олади. Мавжуд спорт қосоналари қайта таъмирланади, янги спорт, инфрақурилиш иншоотлари барпо этилади. Худди шунга монанд "Универсиада-2010" талаба ёшлар спорт анжуманини ўтказишга тайёргарлик жараёнида Андижон шаҳрида катта ҳажмда қурилиш ва обodonлаштириш ишлари олиб борилди.

Вилоят прокуратураси органлари иш сифати ҳамда объектлар-

Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,
Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари

шай ҳолатга келтирилди. Иштирокчиларга 95 та автобус ажратилди. Мусобақалар бўлиб ўтадиган объектларнинг барчасини электр энергияси, газ ва сув билан сифатли таъминлаш учун Андижон электр тармоқлари ОАЖ, "Водий-газтаъминот" УКнинг Андижон филиали, "Сувқоқва" ОАЖнинг малакали мутахассислари бириктирилди. Вилоят ИИБнинг жамоат тартибини сақлаш, қўриқлаш, йўл ҳаракати ва ёнгин хавфсизлиги, коммунал ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг раҳбарлари вилоят прокуратураси-



нинг белгиланган муддатларда тайёёр ҳолатга келтирилишини назорат қилиб бордилар. Қурувчиларга мумасмоаларни қонуний ҳал этиш борасида амалий ёрдам кўрсатилди. Спорт анжумани арафасида 29 та объектда салкам 3,5 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, 1,7 млрд. сўмга жиҳозланди. Бундан ташқари 1 млрд. сўм сарфланиб, мусобақа ўтказиладиган жойлар обodonлаштирилди ва кўккаламзорлаштирилди. Мусобақалар ўтказиладиган "Соғлом авлод" стадиони, 124 та спорт иншоотлари, иштирокчилар жойлаштириладиган талабалар турар-жойлари ҳам таъмирланиб,

суда тақлиф қилиниб, сўхбат асносида спорт анжуманини юқори савияда ўтказишни таъминлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди. Вилоят прокуратураси ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда спорт анжумани очилиши ҳамда ёпилиши, мусобақалар, маданий зидмаларидаги вазифаларни жараёнида жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрдилар. 16 та ишчи гуруҳлари зидмаларидаги вазифаларни тўқис адо этиб, "Универсиада" ўйинларининг юқори савияда ўтишини таъминлашди.

Мамлакатимизнинг барча ви-

лоятларида бўлиб ўтган саралаш ўйинлари, баҳсларнинг голиблари финал босқичида спортнинг 12 тури бўйича беллашдилар. Баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол бўйича Тошкент шаҳри, Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари йигит ва қизлар жамоаларининг ярим финал ва финал баҳслари ёшларнинг иштиёқ ҳамда маҳоратлари ортиб бораётганини намойён этди. Кураш, стол тенниси, шахмат мусобақаларида ҳам иқтидорли, истеъдодли йигит-қизларнинг маҳоратлари кўзга ташланди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи, Андижон вилояти иккинчи, Навоий вилояти учинчи ўринларни эгаллашди.

Мусобақаларнинг 543 нафар голиблари, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига олтин, мушш ва бронза медаллар тантанали суратда топширилди. Шунингдек, мусобақа иштирокчилари эсдалик совғалари билан ҳам тақдирланди.

"Универсиада" арафасида Андижон шаҳрининг Шурбулоқ даҳасида замонавий спорт мажмуаси куриб битказилди. Юртбошимизнинг тақлифига биноан Андижон футбол-коллеж интернати деб аталган таълим муассасасида болалар миллионларнинг сеvimли ўйини асосларини эгаллаш билан бирга ҳамма фанлардан тўлақонли билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Вилоят прокуратураси органлари "Универсиада" ўйинларини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш тадбирлари билан бир қаторда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган режаларининг ижросини ҳам таҳлил этиб бормоқдалар. 97 банддан иборат вилоят дастурида кўзда тутилган тадбирлар учун 507,8 млрд. сўмликдан зиёд бюджет, ҳомийлик маблағлари, чет эл инвестициялари сарфланиши лозим. Сўзирги пайтгача 103 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилди. Хусусан, оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника ба-

засини муштақамлаш баробарида болалар ва ўсмирлар соғлом ўсиб-ўлғайишлари учун етарли шарт-шароит яратишга 2,4 млрд. сўм ва салкам 1 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Таълим сифатини тубдан яхшилаш, замонавий ахборот ва компьютер технологияларини жорий этиш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишларда кўзда тутилган тадбирлар 20-30 фоизга адо этилди. Болалар спорт жамғармасига 278 млн. сўм маблағ ўтказиб берилиб, 1030 дона стол теннислари келтирилди ва мактаблар ҳамда мактаб-интернатларга топширилди.

Битирувчи ёшларни ишга жойлаштириш учун салкам 25 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Кичик бизнес намоёндалари ва хусусий тадбиркорлар салкам 50 млрд. сўм миқдорига кредитлар берилди.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясига оид қонунлар ижроси таҳлил қилиниб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилмоқда. Хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид 34 та ҳужжатга нисбатан протест келтирилди. Прокурорларнинг ташаббуслари билан 11 нафар ногирон болаларга аравачалар, шунингдек, махсус пойфазаллар, эшитиш мосламалари, протез, компьютер аппаратлари олиб берилди. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ўқишлари ҳамда соғликлари борасидаги қонунчилик ижроси ҳам мунтазам таҳлил қилиб бори-моқда. Болаларнинг тарбияси билан шугуллашмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйган ёки турли йўсинида пул ишлаб топишга мажбурланган ҳолатларда ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, вояга етмаганларни ҳомийликка, васийликка, фарзандликка бериш борасидаги қонунчиликнинг аҳволи ўрганилиб, натижаларига қўра тегишли чоралар белгиланди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ўтган йилнинг тўрт ойига нисбатан сезиларли даражада камайди.

Ёшларни иш билан таъминлаш — устувор вазифа

/Давоми. Бошланғич 1-бетда/

Яқинда шаҳар прокуратураси ташаббуси билан шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан аҳолини иш билан таъминлаш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш, ишсизлик, одам савдоси, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида интернетда bandlik.uz сайти ташкил этилди.

Ушбу сайтнинг асосий вазифаси қорхона билан аҳолини электрон манзил орқали узвий равишда боғлаб, фуқароларга қорхонанинг манзили, бўш иш ўринлари, иш ҳақлари ҳақида батафсил маълумот беришдан иборат. Шунини алоҳида эътироф этиш жоизки, фуқаролар

меҳнат ярмаркаларида йилгига 5-6 марта бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олаётгани бўлсалар, ушбу сайт орқали исталган вақтда қорхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларидан хабардор бўлишлари мумкин.

Шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида ташкил этилган электрон манзилдан фойдаланиш самардорлигини янада ошириш мақсадида шаҳардаги 70 та МФЙ, шаҳар халқ таълими бўлими, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли 16 та касб-ҳунар коллежиде электрон манзилдан фойдаланиш учун интернет тармоқлари ўрнатилди.

Наманган шаҳар ҳокимлигининг мақдислар залида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш,

ишсизликнинг олдини олиш, шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятига бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган йилгилишда ҳам шаҳар прокуратурасининг шу йўналишдаги фаолияти алоҳида эътироф этилди. Йилгилиш вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Б.Усупов очди ва оқиб борди.

Дастлаб ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи О.Саримовнинг битирувчиларини иш билан таъминлашнинг бугунги аҳволи, соҳада аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот берди.

Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Бобомирзаев, Наманган шаҳар прокурори Б.Ҳолмирзаев вояга етмаганлар билан боғлиқ жиноятлар ва уларнинг ол-

Абдурусул ҒОҒУРОВ,

Наманган шаҳар прокурорининг ўринбосари

дини олишда ёшларни иш билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этиши, бунинг учун ҳуқуқий органларнинг маҳалла, ўқув юртлари билан ҳамкорлигини кучайтириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан сўнг шаҳар прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган bandlik.uz сайтининг тақдими бўлиб ўтди.

Йилгилиш сўнггида вилоят прокурори А.Хусанов шаҳар прокуратурасининг ёшлар ҳаёти билан боғлиқ амалий саяҳаракатларини ижобий баҳолаб, уни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам омма-лаштириш тақлифини билдирди.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Ёшлар тарбиясида прокуратура иштироки

Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган йилгида Юртбошимиз Ислам Каримов ўз маърузасида "...барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради" деган эди.

Ортимизда баркамол авлодни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамиятнинг энг муҳим вазифасига, давлат сийосатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Бундан кўзланган асосий мақсад - истикболни белгиловчи куч, таъбир жоиз бўлса, буюк келажақ соҳиблари бўлган ёшларга кенг имкониятлар яратиш, уларнинг орзу-умидларини рўйга чиқариш учун замин яратишдан иборат.

Ёшлар камолотига хавф турдириши мумкин бўлган салбий омиллар жамият тараққиётига ҳам жиддий тўсиқлик қилиши сир эмас. Бундай хавф-хатарлар салмоғини эса асло кам деб бўлмайдми. Глобаллашув даврида барча мамлакатларга ахборот коммуникация технологиялари

орқали ёшлар онгини заҳарловчи зарarli ахборотлар киритилиши оқибатида ёшлар маънавий-ахлоқий қашшоқланиши, диний ақидапарастлик ва турли миссионерлик ҳаракатлари гирдобига тортишга уриниш каби омиллар билан курашишга тўғри келмоқда. Гиёҳвандлик, терроризм, одам савдоси каби транс-миллий жиноятлар ёшларни ҳам ўз домига тортапти.

Юртбошимиз бошчилигида бундай иллатларнинг жамиятда чуқур илдириштишига йўл қўймастик мақсадида умуммиллий дастурлар, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритилди. Бу борада амалга оширилган ишлар кўламидан бири оғиз сўз билан ифода деб бўлмайди. Биргина мисол, мустақилликка эришилгандан сўнг Қизилтепа туманининг ўзида 6 та касб-ҳунар коллежи ва 3 та умумтаълим мактаблари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда барпо этилди.

Замонавий ўқув куроллари, тренажёрлар, лаборатория анжомлари, дастоҳқлар, компьютерлар билан таъминланган ушбу ўқув даргоҳлари дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги ана шундай ўқув муассасаларидан қолишмайди. Ҳозир ушбу

билим юртида 8 минг нафардан ортиқ ўқувчи ва талабалар тахсил олишмоқда.

Ютуқлар ўзимизники, уларни ҳеч қим билдан тортиб ололмайди. Бироқ гап шундаки, бу борада ҳамон муаммолар mavjud. Хусусан, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳар бир жиноят камида тўрт-беш нафар шахснинг ҳаётига жиддий таъсир қилишини, энг ёмони, жамиятга салбий из қолдиришини эътиборга оладиган бўлса, масала нақадар жиддий эканини тушуниб етиш қийин эмас.

Ҳўш, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларга нима нар туртки бўлмоқда? Жиноятчиликнинг замини қарда? Бу саволларга жавоб беришдан аввал қўйидаги факта эътибор қаратиш ўринли бўлар эди.

Ўтган 2009 йилда Қизилтепа туман прокуратураси томонидан фарзандини моддий таъминлашдан бунин товланган 16 нафар, 2010 йилнинг 3 ойида 5 нафар фуқарога нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Ушбу маълумотдан кўриниб турибдики, айрим ота-оналар фарзандларига эътиборсиз, уларнинг келажаги билан ишй, номақбул йўлларга кириб кетган, ичкиликбозлик, ўғирлик, безорилик билан машғул. Фар-

зандлар эса онлайин қийинчиликлар боис ҳаётдан безган, айримлари уйдан чиқиб кетган. Бу омиллар вояга етмаганлар ўрта-сидаги жиноятчиликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Қизилтепа туман прокуратураси томонидан вояга етмаганлар жиноятчилигини камайтириш учун тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Прокуратура ва ички ишлар бўлимининг сый-ҳаракатлари билан 2008 йилга нисбатан 2009 йил давомида вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик камайтган. Лекин бу хотиржамликка сабаб бўлолмайди. Мазкур муаммага кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиш зарур. Шундангина ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида эришилаётган ютуқлар салмоғи ортади.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши курашга комплекс тарзда ёндашиш зарурлиги барчага аён. Уларни иш билан таъминлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун шароит яратиш ана шундай кенг қамровли сый-ҳаракатларнинг муҳим қисми ҳисобланади. 2009 йил давомида Қизилтепа туман прокуратураси

Ўлугбек ЗИЯТОВ,
Қизилтепа туман прокурори
катта ёрдамчиси

томонидан ёшларни иш билан таъминлаш борасида бир неча йилки тадбирлар ўтказилиб, касб-ҳунар коллежларини таъминлаган 2051 нафар талабанинг 2011 нафари иш билан таъминландилар.

Қизилтепа туманида жами вояга етмаганлар 49.747 нафарни ташкил қилиб, шулардан 15.626 нафари мактабларда, 2183 нафар ўқувчилар ижодиёт маркази ва 1347 нафари эса спорт мактабида ташкил қилинган тўғаракларга жалб қилинган. Ушбу муассасалар томонидан ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш билан улар орасида гиёҳвандлик, диний экстремизм ва одам савдосига қарши кураш борасида ҳам самарали тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг доимий эътиборидадир. Эзгуликка, ёруғ келажақни таъминлашга қаратилган бундай сый-ҳаракатлар янада самарали натижалар бериши шубҳасиз.

Зарур чоралар кўрилиши лозим

Республикамиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб номланишига асосий сабаблардан бири фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашдир.

Республикамиз Президентининг маърузасида "Баркамол авлод йили" да жуда катта вазифалар амалга оширилиши зарурлиги, Давлат дастури ижросини тўла таъминлаш, ҳуқуқий ва юридик базаларга замон талабларига ҳамда олдимизга қўйилган мақсадларга жавоб бера оладиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, янги ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланган.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида "Алкоголли ичимликлар ва тамаки тарқатилиши ҳамда 20 ёшга тулмаган шахслар томонидан алкоголь истеъмол қилиш ва тамаки чекиши чеклаш", "Ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона фаолияти", "Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси", "Рухсат берувчи тартиб-таомиллар" тўғрисидаги Қонун лойиҳаларини тайёрлаш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 188-моддасида вояга етмаган шахсни гайрижиноий хатти-ҳаракатларга, яъни тиланчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки кишининг ақл идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол қилишга жалб қилганлик, 188-моддасида эса вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик учун маъмурий жазолар белгиланган.

Давлат дастурида режалаштирилган тадбирлар амалга ошириш давомида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини

Л.БОЗОРОВА,
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

таъминлаш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2010 йил 17 май кунини Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонун қабул қилиниб, унга кўра Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 188-модда билан тўлдирилди. Қонун шу йилнинг 18 май кунидан амалга киритилди.

Бу қонунга кўра, вояга етмаганларнинг туғни вақтларда, яъни соат 22:00 дан 6:00 гача ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахсларнинг кузатувисиз ресторанлар, кафедрлар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларида бўлиши тақиқланади ва бунга йўл қўйган кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда маъмурий жарима жазосига тортилади.

Қабул қилинган қонун вояга етмаганларни тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда хизмат қилишини инобатга олинган ҳолда ички ишлар, солиқ инспекцияси идоралари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ҳамда ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиниши, унинг ижросини оғишмай амалга оширилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилиши лозимлигини талаб этади.

Васийлик ва ҳомийлик

Халқимизда "Бир болага етти маҳал-ла ота-оналик қилади", деган доно нақл бор. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки болани вояга етказгунча унга ҳар тарафлама эътибор қўлаб этилади. Ана шундангина биз орзу қилган баркамол авлод вояга етади. Юртимизда бунинг учун барча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Айниқса қароёсиз қолган болаларга васийлик ва ҳомийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган васийлик ва ҳомийлик органлари хусусида шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ва "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Низомга асосан, халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қуйи бўлимлари васийлик ва ҳомийлик органлари бўлиб ҳисобландилар.

Маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида"ги Низомга асосан, халқ таълими бўлимлари мактабгача тарбия, умумий, мактабдан ташқари, ҳунар-техника, ўрта, олий педагогик таълим, педагог ходимлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, педагогика фанини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сийосатини амалга оширади.

Васийлик ва ҳомийлик органи сифатида фаолият кўрсатувчи соғлиқни сақлаш бўлимлари суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни амалга оширади. ФКнинг 30-моддасига кўра, рудий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топилди ва бундай фуқарога нисбатан васийлик белгиланади. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топилгани асосий мезони - ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаслиги ёки уларни бошқара олмаслигидир. Шу маънода, муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни унинг васийси амалга оширади. Айни вақтда шунини ҳам таассуф билан айтиш ўринлики, муо-

Феруза МИРЎКТАМОВА,
ЎЗМУ ҳуқуқшунослик факультети магистранти

лага лаёқатсиз деб топилган аслида шахс ҳаётида ижобий ҳодиса эмас. Агар юқорида тилга олинган қонун нормасида қайд этилган ҳолатдаги шахс ўз номидан битим тузадиган бўлса, ўзининг иқтисодий манфаатларига жиддий путур етказди. Шу маънода, битимларни ҳақиқий саналиши учун уни тузувчи шахсларнинг муомала лаёқати эга бўлишлари талаб қилинади. Шунинг учун ҳам фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилганига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга нисбатан белгиланган васийликни ҳам бекор қилади.

Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳам алоҳида тартибда кўриладиган судлов иши ҳисобланади. Муомала лаёқати чекланган фуқаролар муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролардан "Муомала лаёқати" тулиқроқ бўлганлиги учун майда маншй битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. Бошқа битимларни эса ҳомийнинг розилиги билан тузиши, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасаруф этиши мумкин. Айни вақтда улар ўзлари тузган битимлар бўйича ва етказган зарарлар учун мустақил равишда мулкчи жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида"ги Низомга асосан, мазкур органлар асосан аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини кенг омаллаштиришни таъминловчи давлат сийосатини амалга оширади.

Мамлакатимизда ҳеч бир инсон, хоҳ у катта, хоҳ кичик ёшда бўлсин, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар эътиборсиз қолдирилмайди.

Юлдузни бенарвон ураман деб

Алишер МАКСУДОВ,
Мирзо Улугбек туман прокурори
Ўринбосари
Маъмура ДУСИЯРОВА,
"Ниқид"



Бешикка ётган боланинг қандай инсон бўлиб улгайишини олдиндан билиб бўлмас экан. Бироқ бешик тутиб алла айтаётган оналарнинг барчаси жигарпорасининг улгайиб, яхши инсон бўлишига умид қилавермади. Дарвоқе, инсон дунёда умид билан яшайди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида катта-катта умидлар мужассам. Аммо фақат умид билан яшаш рисоладек инсон бўлиш учун кифоя қилавермас экан. Яшашнинг эса ўз қонун-қоидаси мавжуд бўлиб, унда ният ва мақсад деган тушунчаларнинг ўрни алоҳида. Одатда орзу-хавас, умид, ният ва мақсад деган сўзларни эшитганимизда яхшилик, эзгулик сари интилишдек ижобий хислатлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бироқ, баъзан яхшилик қатори ёмон амалларнинг содир бўлишида ҳам "ният" ва "мақсад"нинг бевосита иштирокини кўришга тўғри келади.

Қаҳрамонимиз Ўрмонжон Солижоновнинг ҳам ўзига яраша ораси бор эди. Аммо у ўз-ўзидан ушаламайди, бунинг учун меҳнат талаб қилинади. Ўрмонжон эса меҳнатга бий бермайди. Шунинг учун ҳам ўз орзусига эришиш учун бошқа йўлни танилади. Мақсади — жон куйишмай даромад топиш эди.

Авалгига ҳамма орзудли ёшлар сингари ўқишга кирди. Олий маълумотли бўлди. Онда қўриб, икки нафар фарзанд кўрди. Уқиди-ю, бироқ касбининг этаси бўлолмади. Ўрмонжон меҳнат қилиб, пешона тери эвазига жон кечирини истимади. Нияти бузилиб, фирибгарлик йўлида ўзгалар мол-мулкига кўз олайтира бошлади. Оқибатда судланди.

Қариган чоғида суянчиғим, нурези кўзларимга нур бўлар, дея устирган фарзанди оқибатсиз бўлиб воғта етишини тасаввур ҳам қилмаган Баҳорой она ўғлининг қилмишларидан на куйишни ва на ёнишни билмай қолди. Унинг ҳар сафар ишга кетаялман, дея эгри ишлар учун уйдан отланиб чиқиб кетаётганини билмаган она бир кун келиб "ишбилармон" фарзандининг жабридан бошқариб каби азият чекиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

...Ўрмонжон онаси янаб келаётган уйнинг бузилдиган ҳудудлар рўйхатига тушганлигидан хабар топгач, "қулай имконият"дан фойдаланиб қолиш умидида тинчини йўқотди. У хаёлидан ўтказган режасини Фарғонада эмас балки, бошқа шаҳарда амалга оширишга қарор қилди. Унинг "мушқули" осон кечди. Савю ҳам пишиди, даромад ҳам

келди. Ўрмонжоннинг ошини олчи бўлди-ю, бироқ суянганни узоққа бормади.

Суд жараёнида Ўрмонжон Солижонов ўз қилмишларига иқдор бўлиб, воқеани куйидагича баён қилди:

— Фарғона шаҳридаги уй онам Баҳорой Солижоновга тегишли. Шу уй жойлашган кўча ва унинг атрофи анча эскирган ҳудуд бўлиб, қачонлардир бузилиши мумкин бўлган жойлар эди. Уша "мумкин" деган сўзнинг ҳақиқатта яқинроқ эканлигини эшитиб, тўғриси суян-юндим. Негаки, оиламни таъминлашим, қундалик юриш-туришим учун ҳам пул керак эди. Ҳали-бери тайинли бирон ишга қўл урмаган-лигим боис қандай қилиб бўлса ҳам уйни сотишим керак эди. Уйнинг сотилишига умид қилардим. Ва бунинг учун аввалдан ўзим қўллаб келган усул — фирибдан устамонлик билан фойдаландим. Пишик-пукта бўлмасида-да, хомакни режалар туздим.

Уй ҳужжатлари онамнинг номига расмийлаштирилган ва унинг хонасида сақланар эди. Қўнлардан бир кун унга уйни сотас, яхшигина пуллик бўлиб қолишимиз мумкинлигини айтдим. Аммо онам бунга рози бўлмади. Барибир уйни сотиш илнжиди ҳаракатга тушдим. Орадан олти ойлар чамаси ўтиб, уйга тегишли ҳужжатларни онамга севашмасдан олдим. Харидорни эса бошқа шаҳардан изладим. Шу мақсадда Тошкентга йўл олдим. У ердаги танишларимга Фарғонадан уй олмоқчи бўлган юртдошлар бўлса, сотилдиган ҳовли борлигини айтиб қўйдим. Уч-тўрт кун ўтиб, асли фарғоналик бўлган танишим Илбе-

бек (исм-фамилиялар шартли равишда ўзгартирилган) Мухсинов уч-тўрт кун иллари Фарғонага бориб келганлиги ва у ерда Учқун исми дўсти сингиси учун Фарғона шаҳридан уй сотиб олмоқчи бўлиб юрганлигини айтиб қолди. Илбега ўша танишига мен сотмоқчи бўлган уй ҳақида айтишини, агар маъқул келса, олди-сотди ишларини Тошкент шаҳрида амалга оширишимиз мумкинлигини тайинладим.

Танишимнинг дўсти уйга харидор бўлди. У гарчи фарғоналик бўлса-да, уй ҳақида мен билган нарсалардан хабардор эмасди. Энг асосийси у уйни қисқа муддатларда сотиб олишни хоҳларди. Бу эса мен учун айна мудаҳо эди.

2009 йилнинг июль ойида уйнинг олди-сотиси масаласида келишиб олиш мақсадида Тошкент шаҳридаги "Блиноф" кафесида харидор Учқун ва унинг икки дўсти билан учрашдик. Уйнинг ҳужжатлари ва давлат томонидан нархланган баҳосини кўрсатдим.

— Менга пул зарур, оғайни! Шунинг учун зудлик билан уйни сотишим керак! — дедим унга. Табиийки, ҳар қандай олди-сотди ишида нарх-наво талашиб-тортишибди. Мен "75 млн. берсанг, уй сеники", дедим. Учқун 50 млн. сўм таклиф қилди. Хуллас, савдолашиб, 60 млн. сўмга келишиб. Учқуннинг икки дўсти гувоҳлигидан ундан пулни санаб олдим. Марра меники эди! Муължалмагга етими беш миллион сўм бўлмаса ҳам олтимиз миллион нақд қўлимада турарди.

— Сен хавотир олма, дўстим! — дедим Учқунга. — Ўн тўрт кун ичи-

да уйнинг ҳужжатларини сенинг номинга расмийлаштириб бераман. Мана, дўстларинг холис гувоҳ.

Пулни олганлигим ва уйни расмийлаштириб беришим тўғрисида тилхат ёзиб бердим. Менинг Тошкентдаги сафарим шу кунга якунланди. Учқуннинг дўстариди енгил автомашина бор эди. Шунинг учун улардан мени Тошкент — Фарғонага қатнайидиган автомашиналар тўхташ жойига олиб бориб қўйишларини илтимос қилдим. Шу кунги Фарғонага қайтдим-да, шаҳар БТИ-сида бордим. У ерда Баҳром исми танишим ишлар, уйнинг бузилиши мумкинлиги ҳақида ҳам ундан эшитган эдим. Баҳромга учрашдим. Уйни Учқун Равшановга сотганимча ҳеч қандай маълумот берилмаслиги керак эди ва мен бу ишда ундан ёрдам сўрадим.

— Жиннимисан, қайси калла билан бу ишга қўл урдинг. Ахир, мен сента айтганим-ку, уйингни ўрни қизиб чиқиб билан белгиланган деб! Бу-зи-ла-ди! Бу ишда сента ёрдам беролмайман, вассалом! — деди у қатъий ва норози оҳангда.

Аммо билишимча, Учқун ҳам анойилардан эмас экан. Бир-икки кунлик иш борлиги учун Тошкентга ўлиганиб қолган бўлса-да, телефон орқали бир дўстига манзилни айтиб, ҳовлини кўриб келишни тайинлабди. Таклирни қарантки, унинг дўсти ўша, менинг танишим Баҳром бўлиб чиқди. Баҳром бу ҳақда мени оғоҳландирди. Аммо мен у-бу дея ундан қочиб юрдим.

Сирим ошкор бўлгунга қадар Учқундан уй учун олган олтимиз миллион сўмни ул-бул харажатлар ва қарзларимга ишлатиб юборган-дим. Менинг режам бўйича танишибилишчилик қилиб бўлса ҳам уйни янги этасига расмийлаштиришим керак эди. Барибир уй қамида бир йил муддатсиз бузимасди ва улар ҳам шунча вақт мобайнида уйда яшашга улгуришарди... Лекин иш мен ўйлагандек силлиқ кечмади. Учқун эса пулни қайтаришни талаб қилиб туриб олди.

Қандай бўлмасин, мен ўзимни оқлашим керак эди. Шунинг учун уйнинг бузилиш ҳудуди рўйхатиди турганлигидан хабарим йўқ эди, билганимда уйни сотмас эдим, дея туриб олдим. Бугун у дедим, эртага бу дедим, хуллас қўнларни ўтказдим.

Мен аввал ҳам фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкига кўз тик-

кандим. Оқибатда умримнинг айнаи қизгин палласини тўрт девор ортита ўтказганман. Қилмишимни тан оламан... Фирибгарлик, адов билан иш тутдим, лекин ҳаммаси ўз-ўзидан изига тушиб кетишига умид қилганим... Меҳнатдан қочиб, енгилнинг остида, оғирнинг устида юришни истаганим сабабли яна суднинг қора курсисиди ўтирибман... Пуллари қайтаришга эса имкониятм йўқ. Қарамогимда воғта етмаган фарзандларим борлигини инобатга олишингизни илтимос қиламан...

У сўзларини шундай деб якунлади. Ўзига нисбатан жазо тайинлашда суд ҳайъатидан енгиллик сўраб турган У.Солижонов оиласи, норасида фарзандлари борлигини, фириб билан ўзганинг орзу-хавасини, имкониятини бир қаҳага қиммат қилаётган чоғида ўйлашмикин? Бугун суднинг қора курсисиди ўтириб, фарзандларини тилга олаётганда, ўзи фарзанд бўлиб ёлғиз онасига кўрсатган қароматини қандай баҳолар экан?

— 2008 йилнинг охирларида ўғлим уйнинг ҳужжатлари ҳақида қизикиб қолди. Билсам, сотиш нияти бор экан. Мен рози бўлмадим. Эр йигит ер сотмайди, дедим. Шу-шу, бу ҳақда гаплашмадик. Аммо 2009 йилнинг ёзи ойлариди уй ҳужжатларининг жойида йўқлигини сезиб қолдим. Бу ўғлимнинг иши эканлигини сездим. Ҳужжатларни қайтаришни сўраганимда у: "ўйинг ҳужжатлари офисда — сейфимда турибди", деди. "Бир томондан сейфда тургани яхши, қолверса, уй менинг номимда, розилигимсиз сотолмайди", деб ўйладим. Унга уйни сотиш ҳўққидини ҳам бермаганман... — деди Ўрмонжоннинг онаси Баҳорой Солижонов.

Ўғлининг қилмишидан иккинчи бор суд залда бош эгиб ўтирган онанинг фарзанди учун айтган гаплари шу бўлди. Унинг ерга қалган нигоҳларидидаги кўз ёшларини кўриш, ор-номусдан қизарган юзиди дихолат, афсус ва надоматни уқш қийин эмас...

Содир этган жиноий қилмиши учун яна саккиз йиллик умрини қамоқда ўтказиши керак бўлган Ўрмонжоннинг фарзандлари эса келажақда айбисз айбдор бўлиб ўсишга маҳкум.

"Эҳ, болажоним! Сенинг учун орзуларимни шеърларга солиб, алла айтдим. Эрта тондан сенинг учун яхши тилаклар тилладим. Сен тутилганда ўғил қўрдим, дея суянган-дик.

Ҳамма яхши инсонларнинг онаси каби оқ ювиб, оқ таршим. Бугун эр бўлиб воғта етган кунингда сен учун бошим эгик!

Сенда ҳам ҳудуд меҳнат эвазига бахтли яшаш имконияти бор эди. Сен ўзинга тегишли имкониятларини «ҳеч ким билмайди», дея фириб йўлида бой беринг... Афсуски, бунинг сезмаганлигим сенинг баробарингда менинг ҳам хатом!»

Бугун бошим эгик фарзандига ёш тўла нигоҳини тикиб турган онанинг қабилди ушбу сўзлар тугён урётган бўлса ажабмас.

Мақтаб — муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳда таълим билан биргаликда тарбия ҳам берилди. Ўқувчилар аксарият олоб-ахлоқ тушунчаларини, ҳалоллик, бировларнинг ҳақини эмаслигини устозлардан ўрганишди, улардан ўрناк олишиб, насиҳатларига қулоқ тутишди.

Аммо ҳамма устозлар ҳам ўқувчиларга ўрнак бўлишга лойиқми? Баъзи мақтаб раҳбарлари-ю, айрим устозларнинг ва бошқа мақтаб ҳодимларининг тили бошқа-ю, иши бошқа эканлигини ўқувчилар англаб етармакин?

Шовот тумани халқ таълими бўлимига қарашли 40-сонли умум ўрта таълим мақтабда ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари ва таълим вазифасида ишлаган Баҳодир Рўзимов ҳам ана шундайлардан.

Мана шу мақтабда иш фаолиятини қоровулдан бошлаган Б.Рўзимов меҳнатсеварлиги, жонқуярлиги боис ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари ла-

Муқаддас даргоҳ кушандаси

возимига қўтарилди. Унга мақтаб газнасиди ҳам ишониб топширилди. Аммо унинг бу ишчанлиги, жонқуярлиги тағдида қандай ниятлар ётганлиги кейинчилик маълум бўлди.

У 2008 йилда мақтаб мулкни ўзлаштириб, талон-торожликка йўл қўйганлиги учун судланди, амнистия ахтига асосан унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши тугатилди.

Б.Рўзимов бундан хулоса чиқариши лозим эди. Аммо у ўзига кўрсатилган бу муруватнинг қинғир ишларини давлом эттириш учун имконият, деб тушунди шеклиди, мақтаб мулкни-ю, ишчи-хизматчиларининг ойлик маошларига ана қўз олайтира бошлади.

У мақтаб ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари ва таълим вазифасида 2008 - 2009 йиллар давомида ишлаб ке-

Шухрат ИСМОИЛОВ,
Шовот туман прокурори,
Мирабзек ЖАПАКОВ, журналист.

лиш даврида ўзининг хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, туман газначилик бўлими томонидан мақтаб ўқитувчи, ишчи хизматчиларга ойлик иш ҳақлари, нафақа ва бошқа тўловлар учун ТИФ «Миллий банк» Урганч бўлим Шовот филиалидан нақд пул олиш учун ўзининг номига ёзилган чеклардан фойдаланиб қолишга уринадди. Оқибатда эса ана шу чеклар орқали 2009 йил 11 май куни банқдан 341 минг сўмни, орадан икки ой ўтгач 746 минг сўмни, яна бир ойдан кейин 819 минг 503 сўмни ҳамда 3 миллион 161 минг сўм, жами 5 миллион 67 минг 503 сўмни кўртдайдана олиб, шунинг 3 миллион 885

минг 300 сўмини мақтаб газнасига кирим қилмасдан ўзлаштириб юборди.

Бундан ташқари, ўз жавобгарлигида бўлган пул маблағлари ва моддий товар қимматликларидан 887 минг 674 сўмлик қамоматга йўл қўйиб шахсий маблағларни йўлида ишлатиб юборди.

Шу тариқа Б.Рўзимов мақтабнинг 4 миллион 773 минг 174 сўмлик қўп миқдордаги пулини, мулкни ўзлаштириб, талон-торож қилиб юборди.

Муқаддас даргоҳ мулкни кўз қорачиғиди асраш ўрнига бу даргоҳда уя қўриб, унинг газнасини емираётган, ҳамкасблари ҳақида хиёнат қилаётган Б.Рўзимовнинг қилмишлари охир-оқибат фош қилинди.

Авал ҳам мана шундай жинояти учун судланди бундан хулоса чиқармаган, бунинг устига талон-торож қилиб юборган пуллариини жой-жойига қўйишдан бош торгган Б.Рўзимовга бу сафар муруват кўрсатилмади.

Унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Шовот туман суди томонидан қилмишига яраша жазо тайинланди.

Пичоқ ушлаган бола



Комил НАЗАРОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиги
Фоғуржон АЛИМОВ, "Huquq"

Сожида кўзини очганида тонг аллақачон ёришиб кетган эди. Нима учундир ҳаммаёқ сув куйгандек жим-жит эди. У аввалига ҳайрон бўлди. Негаки, "Сожида, турақол энди. Чойингни тайёрлаб кўйдим. Совумасдан ичволгин она кизим" дея ҳар куни уни уйкудан уйғотадиган онаси кўринмасди. Бу Сожидага алам қилди. Ҳали бола эмасми, ўзи ҳам сабабини билмаган ҳолда онасидан аразлаган бўлди. Лабларини чўчайтирди-да, "Энди ўрнимданам турмийман, чойимниям ичманам" дея устига кўрпани тортиди. Шу пайт кулоғига уқасининг йиғиси чалинди. Сожида шошганча кўрпани устидан улоқтириб, ўрнидан турди. Қараса, эндигина икки ёшга тўлган Дилшод хонанинг ўртасида иштончанг, "ойи"лаб йиглаб турибди.

— Вой, асалим, нима бўлди? Нимага йиғлаясан? У шундай дея уқасини бағрига босиб, овулар экан, остонага яқин ерда ётган ақасига кўзи тушди. Шоша-пиша ўрнидан туриб, ақасининг ёнига борди-да, "Ака, туринг. Ойим қаёққа кетди? Қаранг, Дилшод йиглаб, кўймапти" деб уни турғизмоқчи бўлди. Аммо майкасининг олд қисми қонга бўялган ақаси қимир этмас, Сожиданинг гўдак шуури эса буни англаб этмас, ҳадеб уни ўрнидан турғизмоқчи бўларди. Йўқ, ақаси жавоб бермади. Сожида шундан кейин уқасини етаклаб, ташқарига йўналди. Улар остонадан хатлаб ўтишлари билан чўзилиб ётган онасига дуч келишди. Айвонда юзтубан ётган Нигоранинг ҳам худди ақасиники сингари кўйлақлари қон эди. Дилшод онасини кўрди-ю, йиғидан тўхтаб, "ойи"лаганча унинг кўзларидан торта бошлади. Аммо онаси ҳам индамади. Ана шундагина Сожида ростаксизга кўрқиб кетди. Жон ҳолатда уқасининг йиғисига ҳам қулқоқ тутмай кўлидан тугтанча, судрагудек қилиб, бобосининг уйига бошлаб кетди.

Эшиқдан йиглаб кирган набираларини кўриб, бобонинг эси чиқиб кетаёзди. Айниқса кенжасининг йиғидан қовоқлари шишиб кетган эди. Унинг саволига Сожида ҳиққилаганча, "Уйимизга ўғри кирди. Ойим билан ақамни ўлдириди" дея жавоб берди...

Ақсига олгандек, кечки пайт чироқ ўчиб қолди. Бир-икки соатдан кейин эса телевизорда яхши кино бошланади. Қизи хархаша қилавергач, Нигора (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ноилож у билан кўшниникига отланди. Остона хатлар экан, ўғлини ёнига чорлади:

— Фарход, биз синглинг билан кўшниникига чиқиб кетаётибмиз. Сен уйда бўлиб тургин, хўпми?

— Менам чиқай?

— Энди ўн бешга чиққан болани ҳам етаклаб юраманми? Укангга қараб тургин. Биз кино тугаш билан қайтиб келамиз. Кино ҳали тугаб улгурмай, Фарход чақириб келди.

— Нима бўлди, тинчликми? — хавотирланиб сўради Нигора.

— Кўшни маҳаллалик Саттор деган бола сизни сўраб келибди. Жияни йиқилиб тушганмиш. "Ойингни айт, бобонгга кўнгирак қилсин. Укол қилиш керак", деяпти.

— Ахир телефонимиз йўқ-ку! Нима қилсам экан-а? Ҳа, майли, қани юр-чи...

Улар кўчага чиқшгач, Нигора ўғлини уйга жўнатди. Ўзи эса қизи билан сал нарироқда чўққайиб ўтирган Сатторни ёнига чақирди. Саттор шу заҳоти етиб келди.

— Нима бўлди? Жиянинг тузукми?

— Кроватдан йиқилиб тушди. Шунга отам ёнингизга юборган эди. Дадангизни телефон номери керак экан.

— Дадани номерини билмайман-ку. Нима аҳволи оғирми?

— Билмасам...

Улар шу тарзда гаплашиб, Нигораларнинг уйига яқинлашди. Дарвозага уч-тўрт қадам қолганда Нигора тўхтаб, "чироқ ёнибди" дея кизини ҳам уйга киритиб юборди-да, Сатторга озланди:

— Саттор, назаримда ёлгон гапираясан-а, тўғрими? Нима қилсан алдаб? Менга қара, сен уйингга кетгин, хўпми? Биз ҳам дамимизни олайлик.

— Нигора она, тўғриси айтсам, жияним йиқилиб тушгани йўқ. Ўзим олдингизга келдим. Сиздан бир илтимосим бор. Агар хўп десангиз... — Саттор гап бошлади-ю негадир жимиб қолди.

— Ҳа, гапир, нима демокчи-

сан? Қанақа илтимосинг бор?

— Шу... ҳали... кечаси ёнингизга келаман. Майлими?

— А?! Нима дединг? Йўқ, йўқ, эсинг жойидами? Ўғлим уйда-ку! Ўғлмайди. Сен тинчгина уйингга кет.

— Нигора она, илтимос... Йўқ деманг...

— ...

— Розимисиз? Нега индамайси? Соат бирларда келаман...

Нигора жавоб бериш ўрнига индамай уйига кириб кетди. Саттор унинг ортидан бироз қараб турди-да, ортига қайтди. "Нимага индамади? Бу нима дегани? Розимикан ё..." У шундай хаёлар оғушида уйига етиб келди. Ичкарига кириб, ўрнига чўзилди. Анчагача хаёл суриб ётгач, ухлаб қолганини ҳам сезмай қолди. Кўп ўтмай уйғонди. Қараса, ҳамма донг қотиб ётибди. Ташқарига чиқди. Худди шу пайт Нигоранинг олдига боргани ёнига тушди. "Борсаммикан ё..." Бироз икчиланиб турди. "Шошма, ахир кечаси келаман десам индамади-ку! Бу нима дегани? Розимикан деганими? Ахир рози бўлмаганда шартта йўқ дерди-қўярди. Демак, унинг ўзи ҳам рози. Фақат... Э-э, нима бўлса-бўлди, бораман..."

У шундай хаёллар билан онаси ювиб дорга осиб қўйган кийимларини олиб кийди. Кейин ошхонага кириб, фонар билан пичоқни ёнига солди. Яхшигина "қуроллангач", секин кўчага чиқди.

Ярим тун. Кишлоқ ширин уйқуда. Фақат у ер-бу ердан итларнинг ақилшаси қулоққа чалинади. Уйдан озгина узоклашган ҳам эди, нимагадир қоқилиб кетди. Ўрнидан туриб, кийимларини қоқар экан, кўнглини ваҳима чулғадди. Қоронғуликдан нафақат йўл, балки оёқ остини ҳам кўриб бўлмайди. Шу алфозда бироз йўланиб турди. Бир кўнгли ортига қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Энди орқасига бурилган ҳам эди, ёнида фонари борлиги ёдига тушиб, қўлини чўнтагига тикди. Фонарни олар экан, қўли яна бир қаттиқ нарсага теги. Уни ҳам олди. Пичоқ, "Яхшиям фонар билан пичоқни олганим. Бирорта ит ташланиб қолса керак бўлади-га бўлди" дея фонарни ёқди. Ингичка шуъла йўлни ёритди. Шундан кейингизга Сатторнинг

кўнгли хотиржам бўлиб, шахдам қадамлар билан юриб кетди.

У Нигоранинг уйига яқинлашганда фонарни ўчирди-да, овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб секингина ҳовлига кирди. Биринчи деразанинг ёнига келиб, ичкарига мўралади. Нигора кўринмади. Уй эшигини тортиб кўрди, ичкаридан қулфланган экан. Энди иккинчи деразанинг ёнига келди. Қараса, бир тавақаси очик. Шошмасдан очик тавақа орқали ўзини ичкарига олди. У ердан йўлакка чиқиб, эшиги очик бўлган хонага яқинлашди-да, секин ичкарига қаради. Айни шу пайтда ёндаги хонадан "Она туринг, уйимизга ўғри кирганга ўхшайди" деган овозни эшитди-ю турган жойида қотиб қолди. Кўрқанидан жони товонига тушиб, аъзойи бадани музлаб қолгандек бўлди. У ҳали ўзига келиб улгурмасидан рўпарасида Нигора пайдо бўлди:

— Саттор, бу ерда нима қилиб юрибсан?

Саттор ҳали унга жавоб беришга улгурмай туриб, Нигоранинг кўзи унинг қўлидаги пичоққа тушиб, бирдангина "Саттор, ундай қилма!" деб бақириб юборди. Унинг қичқириви шундоқ ҳам нима қиларини билмай турган Сатторни баттар эсанкиратиб қўйди. У ўзини бошқара олмай, Нигорага яқинлашиб, пичоқ урди. Табиийки, Нигора буни кутмаган эди. Шунинг учун ҳам жон аччиғида "Ай-й" дея ўзини ичкарига олди. Саттор нима қилиб қўйганини тушуниб улгурмай, ичкаридан кимнингдир ўзи томон қилиб келаётган шарпасини сезиб, шошганча орқасига ўғирилган эди, деворга урилиб, қўли билан чироқни ўчириб қўйди. Шу заҳоти ёнидан фонарни олиб ёқди-да, ўша томонга тўғрилади. Шарпа Фарход экан. Саттор энди орқага йўл йўқлигини билиб, тавақалга иш тутди. Югуриб келаётган йиғитчага рўпара бўлиш баробарида, унга ташланди. Пичоқнинг ўткир тиги Фарходнинг чап кўрағига тўғри келди. Унинг шу заҳоти йиқилганини кўрган Саттор қочиб ҳаракатга тушди. У эндигина остонага етган ҳам эди, ичкаридан Нигора югуриб чиқдию ҳовлига отилди. Саттор қўлида пичоқ билан энди уни қувлай бошлади. Аёл яраланган эмасми, узокча қоча олмади. Саттор кўчада унга етиб олиб, пичоқ билан ҳамла қила бошлади. Аммо Нигора пичоқни тортиб олди. Энди Саттор ўзини ҳимоя қилишга ўтди. Бир амаллаб, ундан пичоқни олди, аёлнинг дуч келган ерига санча бошлади. Аёл жон аччиғида унга ташланди, пичоқни яна олиб қўйди-да, бу сафар Сатторнинг қўлини тилиб юборди. Пичоқ у қўлдан буни-сига ўтар экан, ахири Нигора йўл четига ариқча йиқилди. Саттор унинг тепасида қўллари қонга беланганча турар, на-

зарида буларнинг барчаси худди тушида бўлаётгандек эди. На қочиб кетишни ва на қолиб, аёлга ёрдам беришни ўйларди. Худди шу пайт орқа томондан кичкина боланинг йиғиси эшитилди. Саттор ўғирилдию Нигоранинг кенжа ўғлига кўзи тушди. Болақай қўлчалари билан кўзларини ишқалаганча йиғлаб, кўчанинг ўртасидан улар томон юриб келарди. Саттор шундагина нималар қилиб қўйганини тушунди. Тушундию кўриб кетди. Устига-устак боланинг йиғиси кўксини ўткир пичоқдек тила бошлади. Назарида, ҳозир ён-атрофдаги хонадонлардан одамлар чиқибдию уни ушлаб олишади. Шуларни хаёлидан ўтказар экан, Дилшодни шартта кўтариб, бағрига босди-да, Нигоранинг уйига югурди. Ичкарига киргач, диваннинг ёнидаги ўрнида ётган кизчани кўрди. Болани унинг ёнига ётқизиби, ташқарига йўл олди.

Кўчага чиққач, ариқ ичида ётган Нигорани кўрди. Унинг тепасига келгач, бироз ўйланиб турди. Бир қарорга келиб, аёлни ариқдан чиқармоқчи эди, унинг қўлидаги пичоқни кўриб қолди. Пичоқни олиб, Нигорани қўлларидан ушлаганча, судрай бошлади. Ҳовлидан ўтгач, айвоннинг четига ётқизди. Энди қичиб кетмоқчи эди, болалар ёдига тушди. Эшик ёнидан фонарни олиб ичкарига кирди. Тўғри кизчанинг тепасига келиб кўрпани четга сурди-да, фонарни ёқди. Шуъла билан пичоқни ёритди-да, "Жим ёт. Агар бирор кишига айтсанг, сени ҳам, уқангни ҳам ўлдириб кетаман"деди қалтироқ овоз билан. Кейин келган йўли билан кўчага чиқди. Дарёга яқинлашган, пичоқни сувга отиб юборди. Айланма йўллар орқали уйига келиб, кийимларини алмаштирди. Сўнгра, ҳеч нарса бўлмагандек ётиб ухлади.

Эртасига эрталаб кишлоқда дув-дув гап тарқалди: Кечаси Нигора билан ўғлини ўлдириб кетишибди...

Воқеа билан танишган ҳар қандай одамда қатор саволлар туғилиши табиий. Ҳўш, Саттор нима учун Нигоранинг олдига борди? Тўғрироғи, эндигина ўн беш ёшга кирган ўспирин онаси тенги аёлдан яқинлик қилишни сўрашини қандай изоҳлаш мумкин? Қолаверса, Нигора билан ўзининг тенгкури бўлмиш Фарходни ўлдиришининг сабаби нимада?

Албатта, ушбу ҳодисанинг рўй беришида Саттор ҳам, Нигора ҳам айбдор. Тергов чоғида Сатторнинг берган кўрсатмаларидан маълум бўлишича, қотиллик юз беришидан бир оила аввал унинг отаси тракторини билан Нигоранинг томорқасини ҳайдаб берган. Ўшанда Саттор отасига, эри йўқ, қийналган оиладан пул олмайлик деганидан кейин, Нигора "миннатдорчилик" сифатида уни уйига чақирган экан...

Тўғри, оламдан ўтган одамни қоралаш яхши эмас. Бироқ агар ўша куни Нигора "кўнгилиб бўшлик" қилмаганида, бу балолар йўқ эди. У бунинг эвазига нафақат ўзининг, балки ўспирин ўғлининг ҳаёти билан ҳам ҳақ тўлади. Саттор ҳам қилмишига яраша жавобгарлик тортиди.

Аммо, яна бир ҳолат одамни ўйлантиради. Наҳотки, ярим кечаси бир хонадонда шовқинсуран кўтарилса, кейинчалик ушбу овоз кўчадан ҳам эшитилса, гўдак эса катта кўчада йиглаб юрса-ю бирорта одам эшитмаса? Афсуски, ҳеч ким "эшитмабди". Акс ҳолда...

Амнистия актини қўлашнинг ҳуқуқий асослари

Мамакатимизда судларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи орган сифатидаги ролини ошириш мақсадида босқичма-босқич суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ўтказилмоқда. Конституциямизда мустақамланган инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва таъминлашга хизмат қилувчи янги қонулар қабул қилинмоқда, амалдаги қонуларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, такомиллаштирилмоқда. Уларда жамиятимизнинг инсонпарварлик тамойиллари ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, жиний қилмиш учун жазо шахсининг ахлоқан тузатиши ва тўғри йўлга ўтиши учун имконият яратиш мақсадида қўлланиши қўнучилигимизнинг етакчи принциплардан бири бўлиб келмоқда.

Республикаимизнинг жиноят қонунчилиги тизимида ярашув институтининг жорий этилиши, халқимизга хос баррикентлик ва кеңиримликнинг ўзида мустақам этган амнистия ақтларини қўлашнинг такомиллаштирилгани ва судлар ихтиёрига ҳавола этилгани суд-ҳуқуқ ислоҳотлари йўлидаги муҳим қадамлардан бўлади.

Амнистия ақти ҳуқуқ тизимдаги ўзига хос хусусиятларга эга институт бўлиб ҳисобланади. Амнистия юнонча сўз бўлиб, "кечирини", "гуноҳдан ўтиш" каби маъноларни англатади. Ўзбекистон Республикасининг юридик энциклопедиясида унга "олий давлат ҳокимиёти органининг хусусий ақти, айрим шахсларни жиний жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қарори" дея таъриф берилди. (Т.Адолат. 2009). Айни чоғда амнистия институтини ўз мазмун-моҳиятига кўра жиноят содир этган ёки жазони ўтаётган шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатилган муруват-инсонпарварлик ва баррикентлик намунаси бўлиб, уни жиноят-процессуал қонунчиликдаги шахсни реабилитация қилиш, яъни оқлаш тушунчасидан фарқлай билиш зарур.

Шахсни "кечирини" ёхуд "гуноҳдан ўтиш" республикаимизнинг қонунчилигида кўра икки йўсунда — амнистия ақтини қўлаш ва афв этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Инсонпарварлик тамойилига асосланган ҳар икки ҳужжат мазмуни ва қўлланилиши жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Афв этишдан фарқли ўлароқ, амнистия мазмуни кең тушунча бўлиб, шахсни жиний жавобгарликдан ҳам, жазодан ҳам озод қилади. Конституцияимизнинг 80-моддаси 10-бандига мувофиқ Республикаимиз Президентининг тақдимида асосан амнистия ақтини қўлаш Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатига кирди.

Афв этиш эса-суд ҳукми билан жазо тайинланган шахсининг (маҳкумининг) илтимосномасига биноан унинг гуноҳдан кеңиш демакдир. (Ўзбекистон Республикаси юридик энциклопедияси). Конституцияимизнинг 93-моддасига мувофиқ Республика Президентида афв этиш ваколатига эга. Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом Президентининг 1992 йил 17 феврал кунги Фармони билан тасдиқланган.

Дунёдаги барча мамлакатларда бўлгани каби амнистия ақтлари

ҳуқуқий асослари

ватанимиз ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар билан боғлиқ муҳим тарихий саналар муносабати билан қўлланилмоқда. Чунончи, давлатимиз мустақиллиги кунин муносабати билан 8 мартга, Республикаимиз Конституцияси қабул қилинган кун шарафига 8 мартга ва бошқа тарихий саналарга бағишланиб 4 мартга амнистия ақтлари талқ этилди.

Мустақил диёримизда илк бор 1991 йил 31 август кунги Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисидаги Фармони қабул қилинган эди. Мустақилликка эришганимиздан буён эса 20 мартга амнистия ақтлари қабул қилиниб, маҳбусларга, жиний қилмиш учун тергов қилинаётган шахсларга муруват кўрсатилди. 2004 йил 1 декабр кунингача 15 та акт Республика Президентини Фармони билан, 2005 йил 2 декабрдан бошлаб 5 та акт эса Олий Мажлис Сенати қарорлари билан қўлланилди.

Икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон Республикасининг "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиёти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонулар қабул қилинди. Ва бу ўз навбатида амалдаги Конституциямизга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. 2003 йил 24 апрель кунин қабул қилинган қонунга биноан Конституцияимизнинг 5-бўлими XVIII, XX, XXIII бобларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколати Республика Олий Мажлисининг Сенатига ўтказилди. Шу тариқа 2005 йил 2 декабрдан буён тарихий саналар муносабати билан амнистия ақтлари тўғрисида қарорларни Олий Мажлис Сенати қабул қилмоқда.

Ушбу инсонпарварлик тамойилига нисбатан дунёда турлича нуқтаи назарлар ҳукм суриб келмоқда. Айрим файласуф ва ҳуқуқшунос олимлар жиний қилмишга шафқатсиз жазога ибрат вазиғасини ўтай олади, муруват кўрсатиш эса жиноятчиликнинг тегирмонига сув қўйиш билан баробар, деган фикрда қатъий туришади. Европа файсафа ва ҳуқуқ мактабининг йирик наомёндаларидан бири И.Беккарининг фикрича, жазони енгиллаштиришгани сари жамиятда шафқатли ва кеңиримли бўлишга зарурат қамайиб бораверади. Жиноятнинг кеңирилиши мумкинлиги ва оқибати жазо билан хотима топиши муқаррар эмаслиги фуқароларда жиноятга жазо йўқ деган хафли дунёқарошни шакллантиради. Умуман олганда, амнистия ақтини қўлашга қарши бўлганлар И.Бекка-

риа каби жиноятчиларнинг кеңирилиши жиноятчилик авж олишига сабаб бўлади, деган нуқтаи назарни илгари суришган. Ана шундай нуқтаи назар устувор бўлган Европанинг Бельгия, Германия, Дания, Норвегия, Швейцария каби бир қатор давлатлари қонунчилигида амнистия институтини мавжуд эмас. Бунга қарама-қарши, амнистия институтини — инсонпарварлик намунаси бўлиб, жазони енгиллаштиришга қаратилган чоралардан биридир, деган фикрни ёқловчи олимлар кўпчиликини ташкил этади. Бизнингча ҳам айбдорга жазо тайинлаб, уни жамиятдан ажратандан кўра, унга нисбатан кеңиримли бўлиб, сабоқ чиқариши учун имкон бериш ижобий самарасини беради.

Амнистия ақти маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган муайян тоифа шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатилган инсонпарварликнинг ифодаси бўлиб, бундан қўлланган мақсад мазкур шахсларга нисбатан маъмурий ёки ҳуқуқий таъсир чораларини қўлланган ҳолда уларнинг ахлоқан тузатиши учун имконият бериш ёхуд бундай чоралар қўлланилган шахслар ҳолатини енгиллаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 68, 76 ва 79-моддаларида амнистия ақти асосида шахсни жиний жавобгарлик ва жазодан озод этиш ҳамда судланганликни олиб ташлаш мумкинлигини асословчи ҳуқуқий нормалар белгилаб қўйилган. Уларга мувофиқ амнистия ақти қўлланилганда қўйилади:

- шахсининг жиний жавобгарликдан озод этилиши;
- маҳкум асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан озод этилиши;
- маҳкумга тайинланган жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилиши;
- жиноят содир этган шахсдан судланганлик мулдатидан илгари олиб ташланиши каби ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Мамакатимиз қонунчилигида бошқа ҳуқуқий институтлар қаторида амнистия ақтини қўлаш ҳам такомиллаштириб боришмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг 2008 йил 4-5 декабрь кунлари бўлиб ўтган XVI ялпи мажлисида "Амнистия ақтини қўлаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун маъқулланди. Унга мувофиқ жиноят содир этган шахсга нисбатан амнистия ақтини қўлаш ваколати судлар ихтиёрига ўтказилди. Ўз навбатида бу Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва "Прокуратура тўғрисида" Қонунга амнистия ақтини қўлаш тартибини такомиллаштиришга оид бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Чунончи, Жиноят-процессуал кодексига

янги 63¹-боб киритилиб, "Ишни судга қадарли босқичида амнистия ақтини қўлаш" деб номланди. Ушбу бобга киритилган 5 та моддада амнистия ақтига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш масаласи ҳамда уни прокурорнинг илтимосномасига асосан суд мажлисида кўриб чиқишининг янги тартиби баён этилган.

Айни чоғда амалда бўлиб келаятган янги тартибга кўра, амнистия ақтини қўлаш учун асосан мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия ақтини қўлаш тўғрисидаги маълум қўйилаётган бўлса, ўша шахсининг гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси ҳамда амнистия ақтига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида тақдиминома билан прокурорга юборади.

Амнистия ақтини қўлаш тўғрисидаги ариза гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан терговга қадар ўтказилаётган текширувнинг, суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида берилиши мумкин.

Прокурор суриштирувчининг, терговчининг тақдиминомаси асослигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, амнистия ақтига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёхуд жиноят иши билан бирга судга юборади. Прокурор текширув материаллари ёки жиноят иши келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кеңиктирмай илтимосномани судга юборади ёки бунинг учун асослар бўлмаган тақдирда текширув материаллари ёки жиноят ишини суриштирувчига ёхуд терговчи қайтариш ҳақида асосланган қарор чиқаради.

Суд мажлиси илтимоснома келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кеңиктирилмай ўтказилади. Илтимосномани кўриб чиқилишида прокурор иштироки маҳбурий бўлиб ҳисобланади. Суд муҳокамаси натижалари бўйича судья қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради. Ажримнинг қарор қисмида суд қуйидаги:

- амнистия ақтига асосан жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида;
- прокурорнинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тегишчанга терговга қадар текширув ўтказиш ёки дастлабки тергов ишини юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисида;
- эҳтиёт чораси тўғрисида;
- ашёвий далиллар тўғрисида;
- фуқаровий даъвоини таъмин-

Бахтиёржон ВАҲОБОВ,
Бош прокуратура
Олий ўқув курслари тинловчиси

лаш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилади.

Суд ажримининг қонунийлигини ўрганиш прокурор ваколатига кирди. ЖПКнинг 591-моддаси талабларига мувофиқ суд ажримига нисбатан прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

Амнистия ақтини қўлашнинг жиноят процессида холис орган, яъни судларга ўтказилиши суд ҳокимиёти мустақиллигини мустақамлашга қаратилган ислоҳотларнинг амалдаги ёрқин намунасилир. Бироқ миллий қонунчилигимизда ушбу ҳуқуқий институтнинг янада такомиллаштирилиши инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг таъминланишида муҳим аҳамиятга эгалитдан келиб чиқиб, кўридаги фикр ва мулоҳазаларни баён этиш жоиз, деб ўйлаймиз.

"Амнистия ақтини қўлаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга мувофиқ Жиноят-процессуал кодексига киритилган янги 63¹-бобнинг номини "Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия ақтини қўлаш" эмас, балки "Амнистия ақтини қўлаш тўғрисидаги ишларни юритиш" деб номланиш мақсада мувофиқ булар эди. Чунки, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия ақти қўлланилмайди, балки бу босқичда суриштирувчи ёки терговчининг тақдиминомаси прокурорга ўрганиб чиқиш ва тегишли судга илтимоснома киритиш масаласини ҳал этиш учунгина юборилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ амнистия ақти суд томонидан дастлабки терговга қадар ўтказилган текшириш материаллари бўйича текширилаётган шахсга ҳам, гумон қилинувчи ҳам қўлланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида кўрсатилган айбонлик презумпциясида мувофиқ гумон қилинувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан тасдиқлангунга қадар айбон деб ҳисобланади. Амнистия ақти ҳам жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жиний жазо билан бир қатордаги бошқа ҳуқуқий таъсир чораларидан биридир. Шундай экан, жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлсада, бу маълумотлар уни ишда иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсга гумон қилинувчига ёки ҳали жиноят иши қўзғатилмасдан туриб, исботланган айби текширув материаллигига кўришиб турган шахсларга нисбатан амнистия ақтининг ҳуқуқий таъсир чораси сифатида қўлланиши айбонлик презумпцияси талабларига эдилар. Бизнингча, ушбу фикрларни инобатга олган ҳолда гумон қилинувчи шахсга айбонлик тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан туриб амнистия ақтини қўлашга доир қонунчиликни қайтадан кўриб чиқиш мақсада мувофиқдир.

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Қашқадарё вилоят филиали очик танлов савдоларига таклиф этади

Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибдаги танлов савдосига қуйидаги объектлар қўйилади.

1. Чироқни туманида жойлашган "Чироқни пахта тозалаш" АЖга қарашли "Ошхона" биноси.

Танлов шарти 100 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш.

Бошланғич баҳоси 98 385 907 сўм.

Қамаши туманида жойлашган Қамаши туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли "Маданият уйи биноси".

Танлов шарти 20 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш.

Бошланғич баҳоси 22 450 000 сўм.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 3 уйда 2010 йил 30 июнь соат 15:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Танлов савдоси ҳолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камини ташкил этса, етишмаётган суммани объектнинг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг

банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Танлов ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда тўловни амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин. Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдордаги закалат пули ва танлов ҳужжатлари учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақинининг икки баробари миқдордаги тўловни "Respublika Mulk-Auksioni" ДК

Қашқадарё вилояти филиалининг Қарши шаҳри "Микрокредитбанк" (МФО 00152, ИНН 206761326) 20210000104537599018 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ушбу кундаги танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб 2010 йил 15, 30 июль, 17 август кунлари соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Танлов ҳужжатлари рўйхати қуйида берилган.

Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш манзили: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси 3 уй, 7-қават. Телефон: (8 375) 221-41-58; Факс 771-00-10

www.mulk.uz Email: info@mulk.uz

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Хоразм вилоят филиали очик танлов савдоларига таклиф этади

Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибдаги танлов савдосига қуйидаги объектлар қўйилади.

1. Шовот туман ҳокимлиги балансидаги, Шовот шаҳарчаси, "Пахтакор" маҳалласи, "Каткалатекс" МЧЖ худудда жойлашган "Омборхоналар" биноси (бостирмадари билан бирга). Объект 1980 йилда қурилган, умумий ер майдони 6995,34 м², биноларнинг қурилиш ости ер майдони 5517,54 м². Бошланғич баҳоси 440 949 000 сўм.

Танлов шартлари: сотиб олиш бўйича энг юқори баҳони таклиф этиш, 100 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш; мулклар шартларини яхшилашни таклиф этиш.

2. Хазорасп туман ҳокимлиги балансидаги, Питнак шаҳри, "Мухаббат" маҳалласида жойлашган собиқ "Линмонд ишлаб чиқариш цехи". Объект 1975 йилда қурилган, умумий ер майдони 2282,37 м², биноларнинг қурилиш ости ер майдони 494,54 м². Бошланғич баҳоси 11 974 000 сўм.

Танлов шартлари: энг юқори сотиб олиш тўловини

таклиф этиш; 5 000 000 сўмдан кам бўлмаган (ёки энг юқори) миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш, янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш, сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

3. Урганч туман ҳокимлиги балансидаги, Урганч тумани, Чотқўпир қишлоғида жойлашган "Қишки клуб" биноси. Объект 1970 йилда қурилган, умумий ер майдони 2218,26 м², бинолар қурилиш ости ер майдони 499,49 м². Бошланғич баҳоси 13 434 000 сўм.

Танлов шартлари: энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш, 25 000 000 сўмдан кам бўлмаган (ёки энг юқори) миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш, янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш, сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб 2010 йил 5 июль кун соат 10:00 дан бошлаб Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 30 уйда бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Танлов ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда тўловни амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин. Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизи миқдордаги закалат пули ва танлов ҳужжатлари учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақинининг икки баробари миқдордаги тўловни "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Хоразм вилоят филиалининг Урганч шаҳар "Ипотека банк" Тинчлик филиалидаги МФО 00580, СТИР 206761326, 2021000004537599008 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Ушбу кунда танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб 2010 йил 9, 16, 23 июль кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Танлов ҳужжатлари рўйхати қуйида берилган.

Қўшимча маълумотни олиш манзили: 220100, Урганч шаҳри, Ал Хоразмий кўчаси 30 уй, 1 қават, 106-хона Тел/факс (8362)770-44-01, 226-84-39

www.mulk.uz Email: info@mulk.uz

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Самарқанд вилоят филиали очик танлов ва аукцион савдоларига таклиф этади

1. Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибдаги танлов савдосига Самарқанд вилояти, Нарпай туманида жойлашган "Нарпай қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежи" эски биноси қўйилади. Танлов шарт: энг юқори миқдорда сотиб олиш баҳосини таклиф этиш, бошланғич қийматидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча сармоя киритиш.

Бошланғич баҳоси 184 818 000 сўм.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб 2010 йил 9 июль кун соат 11:00 дан бошлаб Самарқанд шаҳри, Бўстон Сарой кўчаси, 85-А уйда (ДМК Самарқанд вилоят худудий бошқармаси биноси) бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Ушбу кунда танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиб 2010 йил 16, 23, 30 июль кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Танлов ҳуж-

жатлари рўйхати қуйида берилган.

2. 2010 йил 7 июль соат 11:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибдаги очик аукцион савдосига Пастандаром тумани, "Дўрмонтепа" ҚФЙ, "Қорағулпа" қишлоғи худудидан яқна тартибда уй-жой қуриш учун 600м² иборат 6, 21, 23, 26, 29, 36-сонли ер майдонлари қўйилади. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 148 902 сўм

Аукцион савдоси ДМК Самарқанд вилоят худудий бошқармаси биносининг 5-қават, 511-хонасида ўтказилади. Ушбу кун соатилмай қолган ер майдонлари 2010 йил 14, 21, 28 июль кунлари соат 11:00 дан бошлаб такрорий аукцион савдоларига қўйилади. Талабгорлардан ер майдонлари учун аризаларни ва ҳужжатларни (жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома) қабул қилиш "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Самарқанд вилоят филиалида савдо бошланишидан 3 кун олдин тўхтатилади.

Танлов ва аукцион савдоларида иш-

тирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Самарқанд вилоят филиалининг МФО 00264, ИНН 206761326, ДАТ "Асака банк" Самарқанд филиалидаги 20210000104537599010 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш манзили: 140100, Самарқанд шаҳри, Бўстон сарой кўчаси 85 "А" уй, 2-қават, 203-205-хона. Тел/факс: (8366) 210-04-01, 230-14-51.

www.mulk.uz E-mail: info@mulk.uz

Танлов савдоларида қатнашишни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларини 2 нусхада топширишлари шарт: танлов қатнашчининг талабномаси; таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижлик сармоядорлар - ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вақил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган

таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро айтилган хизматнинг) маълумотномаси; танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари ҳамда аниқ кўрсатилган бизнес-лой-ихалар икки нусхада конвертда маҳкам қилиниб, муҳрланиб тақдим этилиши лозим; закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг рекузитлари; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; ваколатли вақилнинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда. Ҳужжатлар шахсан ваколатли вақил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Наманган вилоят филиали аукцион савдоларига таклиф этади

2010 йил 29 июль кун соат 11:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибдаги очик аукцион савдоларига вилоят давлат мулки бошқармасининг тегишли буйруғига асосан қуйидаги бинолар бузиб олиш шарти билан қўйилади:

1. Чортоқ туманидаги "Ринжид" божхона постига қарашли "Чортоқ" божхона пунктнинг маъмурий биноси (1-қаватли маъмурий бино, омборхона, ошхона, итхона, ҳожатхона, қўриқхона, котел бинолари, узунлиги 90 пм. ва баландлиги 2,2 метр пишиқ гиштдан қурилган девори мавжуд), бошланғич баҳоси 11 801 552 сўм.

2. Янгиқўрғон туманидаги "Нанай" божхона постига қарашли "Заркент" божхона пунктнинг маъмурий биноси (Нанай божхона постининг 2-қаватли маъмурий биноси 23 та хонадан иборат, омборхона, ҳожатхона

бинолари, 212,9х2,18 метрдан иборат пишиқ гиштдан қурилган девор, 54,7 пм. темир панжара, 2,25х2,18 метрдан иборат темир дарвозаси мавжуд), бошланғич баҳоси 22 650 636 сўм.

Аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар кун соат 9:00 дан 18:00 га қадар (дам олиш кунларидан ташқари) Наманган вилояти давлат мулки бошқармаси биноси, 1-қават 15-хонасида қабул қилинади. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Биринчи савдо санасида сотилмаган тақдирда 2010 йил 7, 14 июль соат 11:00 да ўтказилайдиган аукцион савдоларига тақдирдан киритилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг бую бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам

бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Наманган вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Наманган бўлимидаги МФО-00223, СТИР 206761326, 2021000404537599004 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатида этилганлигини тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: 160100, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, 1-қават, 15 хона.

Тел/факс: (8 369) 223-04-01, 226-41-66

www.mulk.uz E-mail: info@mulk.uz

ТУЗАТИШ

"Huquq" газетасининг 2010 йил 27 майдаги 21(698)-сонидagi эълонда "Respublika Mulk - Auksioni" ДК Фарғона вилоят филиалининг банк рекузитлари қуйидаги тахрирда ўқилсин: ОАТ "Турон" банк Фарғона вилоят бўлимидаги 20210000704537599019 ҳисоб рақами, МФО:00498, ИНН:206761326.

Испаниядан Португалиягача

ёхуда ЖЧ-2010 фаворитлари ҳақида

Футбол бўйича кутилаётган жаҳон чемпионатида барча учун ўзининг сеvimли термалари (афсуски, ишқибозлик борасида барча ўзбекистонлик мухлислари бирлаштиришга қодир, яъни ўзимизнинг миллий жамоадан ташқари) мавжуд. Бъзиларига жон куйдирсак бошқаларига бефарқ қараймиз. Жаҳон кубогини учун кучли термалар курашадилар. Терма жамоалар эса клубларга қараганда, гўё биров бошқачароқ дунёда яшайдилар (бу дунёнинг эшиклари гоҳ-гоҳ қия, тўрт йилда бир марта эса бутунлай очилади), бошқача қондиларга рия қиладилар. Бу ерда бутунлай бошқача, яъни келиб, кўриб, галабага етаклай оладиган мураббийлар керак. Шунинг учун ҳам бу каби йирик турнирда кутилмаган воқеалар тез-тез учрайди ва биз яхши билган машҳур футболчилар қандай ўйин намойиши этишларини тахмин қилишдан бошқа иложимиз йўқ.

Футбол мутахассислари, футболчилар ва мухлислар ЖАРда жаҳон кубогини қўлга киритиши мумкин бўлган жамоалар ҳақида деярли бир хил тахминларни билдирмоқдалар. Ушбу тахминларга қараганда, Англия, Бразилия, Испания, Аргентина, Германия, Италия, Голландия ва Португалия миллий терма жамоалари чемпионликка асосий даъвогарлардир. Биз ҳам ушбу тахминлардан узок эмасмиз.

Висенте Дель Боскенинг жамоаси чемпионатга гўё сеҳрдан озод бўлган шаҳзодалай таширф буюрмоқда. Икки йил олдин испанлар охир-оқибат катта ютуққа эришиб Европа чемпионга айландилар. Ҳақиқатан ҳам ушунда пиренейликлар ҳимояда, ҳужумда ва умуман барча чиқиқларда эътиборга сазовор ўйин намойиши этгандилар.

Бошқа мураббий бошчилигида бўлишларига қарамай ўз ўйинларини топиб олган испанлар саралаш учрашувларидан ҳам бир нафасда ўтиб келдилар. Жилдид ҳисобланган туркиялик, босниялик ва белгиялик рақиблар бор гуруҳда 10 та галабага эришган испанлар ўз ўйинларидан тобора завқ олаётгандай кўринарди.

Муаммолар қаторига фақатгина термининг олди ўйинчиларининг жароҳатларини киритиши мумкин. Ҳужумкор юлдузлар Торрес, Хави, Иньеста ва Фабрегасларга турли жароҳатлари чемпионатда иштирок этиш учун тўсқинлик қилмаган бўлса ҳам тайёргарликка салбий таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Ким билсин, балки жароҳатлари тўфайли қилинган танаффус ўйинчиларни дам олиб, чемпионатда бор кучларини кўрсатишларига (аслида, испанларнинг гуруҳдан чиқишлари учун ушбу футболчилар зарур эмас) имконият яратар. Балки, аксинчадир.

Юқорида исмлари келтирилган ўйинчилардан ташқари Дель Боскенинг жамоасида ҳужумчилардан Вилья, Негредо, Педроло, ҳужумга ўтувчи яримҳимоячилардан Сильва, Навас, Мата Касорлалар бор. Яхши компания. Бироқ чемпионлик учун Торрес, Хави, Иньеста ва Фабрегаслар сув билан ҳаводек зарур бўлади. Умуман олганда бугунги кунда Испания жиддий эътибор қаратишига ундовчи муаммолардан холи бўлган терма жамоадир. Бунга бўлмаганда Европа чемпиони бўлмасдилар ҳам. Ҳимоя жойи-

да, ҳужум чизиги талаб даражасида, мураббий ҳам Луис Арагонеснинг ишини рисоладагидай давом эттира оладиган тажрибали мутахассис.

Испаниянинг гуруҳдан чиқишида муаммо йўқ. Лекин уёғига кутилаётган рақиб Кот-д'Ивуар ёки Бразилияга қарши туришга, кейинроқ эса Италия билан курашишга тўғри келади. Борган сари ўйинларнинг қийинлашиб бориши табиий ҳол. Агар, албатта, ЖАРда ҳам 8 йил аввалги чемпионатдаги сингари сюрпризлар рўй бермаса.

Сеҳрдан холи бўлган испанлардан фарқли ўлароқ бразилияликлар абадий фаворит ҳисобландилар ва албатта, ЖАРга фақат галаба учун келадилар. Бразилия ҳақида гапирганда сеҳрга ўрин йўқ, биз дунёда энг катта футбол салоҳиятига эга жамоа ҳақида сўз юритмоқдамиз ва доимо шундай бўлиши аниқ. Дунга Бразилия термасини 4 йилдан буён тарбиялаб, мураббийлик фаолиятининг ҳақиқий натижасини билиш арафасида турибди. Тўғри, бунгача у Копа Америка (2007 й.) ва Конфедерациялар Кубогини (2009 й.) қўлга киритиб улгурди. Саралаш босқичидан ҳам биринчи ўринни эгаллаб чиқди. Бироқ Бразилия учун ҳақиқий синоф фақат Мундиал бўлиши мумкин.

Дунганинг энг шов-шувли қарори яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлишига қарамадан футбол юлдузи Роналдиньонинг терма жамоага олмаганлигидир. Дунга афсонавий Ронни жамоага керак эмас деган фикрда қатъий туриб олди. Бу ҳолат Раулнинг термага олинмаслиги ҳақидаги Арагонеснинг қарорини эслатади. Евро-2008да Испанияга ушбу қарор ижобий таъсир кўрсатгани ҳам сир эмас. Бундай кескин қарорлар мураббийларнинг иши, албатта. Лекин агар бразилиянинг ўйинида у-бу нарса "ўхшамай" қолгудек бўлса Роналдиньо ўзи ҳақида эслатиб қўйиши тайин. Умуман олганда Дунга фаолиятининг бошиданроқ термага ўйинчиларни излаш географиясини жуда кенгайтириб юборган. Буни чемпионатга бориши кутилаётган таркибдан ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Роналдиньо ва Диего каби футболчилар жамоага керак эмас деб ҳисобланиб, Элано эса термага олинган. Кака масвумда ёрқин футбол намойиши этди дейиш қийин. У жароҳатлари тўфайли "Реал"да кўп ўйинлари ўтказиб юборди. Термада Каканинг плеймейкерлик вазифасини яна ким ундай олади? Фақатгина Дунга таркибига киритмаган футболчилар. Луиш Фабiano, Робиньо, Графите, Нилмардан ташқил топган ҳужум чизиги ҳар ҳолда ёмон эмас, бироқ бу ҳақиқий Бразилия термасига яраша ҳужумчилар эканлигига ишондиш биров қийин. Ҳимоя борасида эса мазкур термани чемпионатдаги энг мукаммали дейиш мумкин.

Бунинг устига дунга дарбозабон ҳам Чемпионлар Лигасининг голиби. Дани Алвес ва Майкларга ўнг

қанот биров торлик қилса ҳам керак.

Уттан Европа чемпионатидан қўлиб кетган футбол асосчилари кучларини тўллаб, яхши мураббий топиб саралаш учрашувларида деярли муаммога учрамай, важаҳатларини чинакам намойиши этишди. Фабио Капелло ҳақиқатан кучли Англия терма жамоасини шаклландирди. Кўраимиз Британияликларнинг юришлари қанчалик узокқа чўзилади? Ахир



ЖАРда барчаси янги саҳифадан бошланади. Ушбу саҳифада баъзи муҳим ўйинчиларнинг жароҳатларини унутмаслик лозим. Масалан, Руниинг. Уттан масвумда афсонавий футбол намойиши этгани учун унга жуда катта умидлар боғланмоқда. Бошқаларча эса ва умуман инглиз футбол клубларида масвум омадсиз келди. Жеррард "Ливерпул"и билан Чемпионлар Лигасидан маҳрум бўлди. Терри эса ахлоқий ишқал қилиб қўйди.

Шунга қарамадан тан олиш керак Англия термасида кадрлар салоҳияти юқори. Капелло жамоага ўйин борасида ва бошқа масалаларда аввал етишмаётган дисциплинани бера олади. Англия футболчи "Барса"нинг тахтага кўтарилишига қадар европада уморонлик қилганини футболсевар мухлислар яхши билишади. Бу масвумда эса инглиз клубларидан биронтаси Чемпионлар Лигасининг ярим финалига ("МЮ" бу босқичга ўта олмагани умуман галати ҳолат) ҳам чиқа олмасди. Энди инглизлар термалар даражасида устуниликларини кўрсата олишар?! Қолаверса, Англия чемпионатда голибикни 44 йилдан буён қутади. Супертерма жамоа учун Англия жаҳон кубогини жуда кам олган. Европа чемпионатидаги аҳвол ундан ҳам ачинарди.

Гуруҳдан чиққан инглизлар сербларга (ёки немислар билан майдонга тушиб пенальтилар ҳисобига кўра 1/8 босқичда мағлубиятга учрайдилар - мана сизга британиялик футбол мухлиснинг даҳшатли туши) дуч келишлари мумкин.

Аргентина - таркибида дунёнинг энг яхши футболчиси Леонел Месси тўп сураётган ва дунёнинг собиқ энг яхши футболчиси бошчилик қилаётган терма. Диего Армандо қандай мураббий эканлигига ҳатто тарих ҳам жавоб бера олмаслиги тайин. Бироқ ушбу чемпионат юқоридаги саво-ушбу аниқ жавоб бериши турган

гап. Балки, терма жамоаларга айнан шундай жиззаси ва афсонавий шахслар керак бўлиб дунёнинг олди футбол клубларида эса ўқиган олимтойлар хатосиз алгоритмларини тузишлари тўғридир ҳам. Лекин жаноб Маралона бундай гипотезанинг футбол оламида ўринли эканини ҳали исботлашига тўғри келади.

Аргентинанинг таркиби чакки эмас. Ҳужум чизигига умуман гап йўқ. Уйлантираётган бир нарса, бу чизикда Палермо нега керак (балки пенальти тепишгадир?). Ҳимоячилар ва дарвозабон ҳам ёмон эмас. "Интер" таркибида анчагина масалаларни ҳал қилишга ихтисослашган универсал футболчи Дзанеттининг термага олинмаганили ажабланири. Яна бир худди шундай универсал ўйинчи Эстебан Камбьяссонинг таркибда йўқлиги ҳам тушунарли. Яхшиямки, Маралона ҳеч бўлмаса термага Мессини олган.

Агар озгимизни ланг очириб қўядиган натижалар бўлмаса Аргентина термаси 1/4 босқичда жорий йилнинг март ойда Узаро ўртоқлик учрашувини ўтказган Германия термасига қарши майдонга тушади.

Бу йилги жаҳон чемпионатида олов рангли сафдошларни негалар ҳамма ҳам фаворитларга қўшмаяпти. Балки голландияликлар уттан Европа чемпионатининг 1/4 босқичида Россия термасидан "калтак" етанлари учун шундайлар. Бу биров алдамчи таассурот. Голландиялик футболчилар амалда ҳар кимдан устун келишлари мумкин. Ҳужумга ўтувчи яримҳимоячи Арьен Роббен ва Уэсли Снайдерлар ўз жамоаларининг Чемпионлар Лигаси финалига келишига улкан ҳисса қўшганлари ҳали барчаннинг эсида. Улардан ташқари Голландия таркибида Ван Боммель, Ван Перси, қолаверса Бабель ва Хунталар каби футбол юлдузлари мавжуд.

Саралаш учрашувларида голландлар ҳам испанлар сингари барча ўйинларда галаба қўчишди. Очиги, рақиблар ҳам у даражада кучли эмасди. Берт Ван Марвейк шогирдлари саралаш учрашувларида ўз дарвозаларига атиги 2 марта тўп ўтказиб юборишди. Шундан келиб чиқиб жамоада ҳимоя ва ўйиндаги мувозанат талаб даражасида эканлигини айтиши мумкин. Ушбу чемпионатда "учар голландлар" кучларини тақсимлай олишса бўлди. Акс ҳолда Евро-2008даги хатонинг қайтарилиш хавфи бор.

Голландия гуруҳдан чиқиши учун биров тер тўқини тайин. Олов ранглилар 1/4 босқичида Бразилияга дуч келишса керак. Агар шундай бўлса, бу бешлашув ЖЧ-2010нинг энг қизиқарли ўйинларидан бири бўлишига шубҳа йўқ.

Италия. Амалдаги жаҳон чемпиони ларининг мураббийи ҳам ўзгармаган. С к у а д р о Адзурруга ҳам кўпчи-

лик ишонч билдирмапти. Айниқса, уттан йилги Конфедерациялар Кубогида италияликлар намойиш қилган пала-партиш футбол таркибга зарур катта ўзгартириш киритиш, уни ёшартириш ва ҳоказолар ҳақидаги кўплаб мунозараларга сабаб бўлди. Бунга жавобан Липпи бу йилги жаҳон чемпионатига "эски гвардия"нинг кучи ҳали етарли эканини айтди. Бироқ "эски гвардия"нинг кучи бўлишига қарамадан ҳозирги таркиб мухлисларни таъсирлантирмапти. Ҳатто машҳур "Интер" жамоасининг Чемпионлар Лигаси финал ўйинида биронта италиялик ўйинчи кўринмади. Албатта, Матерациннинг тахминан 2 дақиқага майдонга тушганини ҳисобламаганда. Шуларга қарамадан Италия термасини фаворитлар қаторидан чиқармасликка катта тажриба, "рақибга ўйин бермаслик" анҳанаси ва маҳорати (Буффон, Кьеллини, Де Росси, Ди Натале) каби ўйинчилари сингари сабаблар бор. Мончилиро ва Пашиниларнинг ҳам ўйинлари чакки эмас. Уттан асрининг 30-йилларида италияликлар икки марта кетма-кет жаҳон кубогини қўлга киритишган.

Италияга гуруҳдаги рақиблар катта қийинчилик туғдирмасда, 1/8 босқичида Дания ёки Камерунга ютқазиб қўйиши мумкин (нега энди бундай бўлиши мумкин эмас?). Агар италияликлар бу босқичдан ҳам омон-эсон ўтиб олишса, испанларга рубару бўлдилар. Ушунда Евро-2008даги мағлубиятлари учун қасд олишлари мумкин. Лекин бунга ишониш қийин.

Италиядан фарқли ўлароқ Германия термасининг таркибида Чемпионлар Лигасининг финал ўйинида "Интер"га қарши турган 8 нафар футболчи тўп суради. Тўғри, улар мағлубиятга учрашган, лекин барбир бу германияликларга асосий, яъни уларнинг немис футболнинг вакили эканлигидан ташқари яна бир ён босувчи муҳим жиҳатдир. Иоахим Лев жамоасининг асосий муаммоси иккига асосий дарвозабонларнинг майдонга туша олмаслигидир. Роберт Энек вафот этди. Рене Аллер эса жароҳат олган. Энди дарвозани Бутт, Нойер ва Визелардан бири қўриқлайди. Ханс-Йорг Бутт уттан масвумда "Бавария" клубида ўзини яхши кўрсатди. Термининг асосий таркибидан ҳам айнан у жой ола керак. Бироқ кўпчилик Нойер асосий дарвозабон бўлади дейишмоқда. Жароҳат тўфайли немислар термаси Михаэль Баллакдан ҳам маҳрум бўлди. Ҳужумчи Кевин Куранини мураббий термага олмасди. Жамоанинг ҳужум чизигида ишлар "беш" деб бўлмайди. Клозе ва Гомесларнинг ўйинлари яхшироқ натижаларни талаб этади. Улардан ташқари Креслинг, Какау ва бавариялик Мюллерлар бор. Бироқ Чемпионлар Лигасининг финалида Мюллернинг ҳал қилувчи паллада Герлда ўхшаб ўйнашига ҳали анча борлиги кўриниб қолди. Ҳозирча унинг ўйини Томасникга ўхшайди.

Бошқа термалар сингари олдиларида турган масалани ҳал қилиш учун немисларда ҳам ўйинчилар етарли. Немис машинасининг ўйинида ахлитлик ва тебранмаслик хусусияти кучлидир. Немислар гуруҳдаги биринчи ўринни серблар билан талапишлари мумкин. Бу ҳам бўлса Англия термасига ким қарши чиқишини аниқлайди, ҳоло. Англия термаси плей-оффада сербларни кутаётганлигига қарамадан Германия машинаси қарши туришларига тўғри келадиганга ўхшайди.



Агар омад кулиб боқса...

Б. НАЗАРОВ,
"Huquq"

Дунёнинг миллиардлаб футбол-ихломчилари орзиқиб кутаётган кун тобора яқинлашмоқда. Маълумки, бу йилги 19-жаҳон чемпионатида Жанубий Африка республикаси мезбонлик қилади. Шу йилнинг 11 июни кунини Йоханнесбург шаҳридаги "Соккер сити" стадионини футбол байрамнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг "ЖАР-Мексика" учрашуви билан чемпионатга старт берилди.

Хозирча эса финал туринида иштирок этувчи миллий жамоалар чемпионатга жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Терма жамоалар ўртоқлик учрашувларида ўйинчиларнинг техник, тактик ва жисмоний тайёргарлигини яна бир бор синовдан ўтказганларидан кейин таркиблар ўзлик-кесил шакллантирилди.

Бугун давраларда футболдан оғиз очсангиз бас, ким чемпион бўлади, деган савол кизгин тортишувга айланди кетади. ОАВ орқали юқори донрларда билдирилаётган фикр ва башоратлар ҳам жуда хилма-хил. УЕФА Президенти Мишал Платинини голибликка асосий даъвогарлар ҳақида гап бораганда улар орасидан учтасини - Испания, Англия ва Бразилияни ажратиб кўрсатган. Францияни улар қаторига қўшмаслигини Платини шундай изоҳлайди: "Мен Доменек жамоасини Германия, Италия, Португалия ва Голландия билан бир қаторга қўйган бўлардим. Бу жамоаларда юксак маҳоратли футболчилар йўқ эмас, лекин улар санокўйи. Францияда ҳам аҳол шундай. Доменек ихтиёрига "олтин авлод" ўйинчиларидан ҳеч ким қўлмаган".

Испания терма жамоаси ва "Ливерпуль" ҳужумчиси Торрес эса Англияни чемпионатнинг муносиб финалчиси ҳисоблайди. "Жаҳонда Испаниядан кейинги ўринда Англия турди, - дейди у. - Англияда энг яхши ҳимоячилар Жон Терри ва Рио Фердинанд тўп сурди. Стивен Жеррард дунёдаги энг зўр марказий ярим ҳимоячи бўлса, унинг Руни Лионел Месси каби энг машҳур ўйинчиларидан ҳеч ким қўлмаган".

Испаниядан Португалиягача

Ўхш ЖЧ-2010 фаворитлари ҳақида

/Давоми. Бошланғичи 11-бетда/

Раймон Доменек жамоасининг азувлари давом этмоқда. Саралаш учрашувларида Франция термасини плей-офф ботқоқидан мессе Анри ўз қўли билан олиб чиқди. Энди бу жамоани катта турнир кўтмоқда. Бироқ мурабийнинг ўзгариши масаласи ҳалигача ҳал этилмаган. Жамоа бу мусобақда қандай иштирок этаркан?

Кўпинча мурабий қандай бўлса жамоа ҳам шундай бўлади. Тўрт йил муқаддам Доменек шогирдлари кичик мўъжиза кўрсатиб, сал бўлмаса жаҳон кубогини қўлга киритди дейишганди. Бироқ ўшанда афсонавий Зидан футболдан кетиши арасида бўлиб юлдузини бошқача кузатиш ҳам мумкин эмасди. Уша пайтлардаёқ кўпчилик Франция термасининг финалгача боришида Доменекнинг ҳиссаси оз эканлигини таъкидлаганди. Нима бўлганда ҳам шундан сўнг ушбу мурабий ўзини ерқин намойиш этиб улгурди. Французлар бу йилги чемпионатга боришга лойиқ бўлмасаларда, унда иштирок этишларди. Ирландияликларнинг лавнату-карғишлари қандай кучга эканлигини кўрамиз.

Кейинги босқичда Аргентинага дуч келмаслик учун французлар бор кучларини гуруҳда биринчи ўринни эгаллашга қаратишса керак. Бу жараён осон кечадди деган Франция термасининг мухлислари бироз янглишдилар. Қолгани Франция терма жамоасининг қандай ўйин кўрсатишига боғлиқ. Агар улар саралаш учрашувларидаги сингари ҳаракат қилишса, узоққа бормасликлари аниқ.

Кучлилар рўйхатини Португалия термаси

этакчи футболчилардан биридир. Англия терма жамоаси ўйин чизигида заиф ҳалқанинг ўзи йўқ... Мен учун жаҳон чемпионатининг финалини беъзайдиган матч Испания - Англия ўйини бўлади".

Англиянинг собиқ афсонавий футболчиси Алан Ширер эса бошқачароқ фикрда. "Агар Манчестер Юнайтед" этакчи ҳужумчиси Уэйн Руни ўйинларга ҳар жиҳатдан шай бўла олмаса, Англия терма жамоаси жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қўлолмайд, - дейди у. - Руни юлдузларнинг юлдузи. У ҳам Месси, ҳам Какани ўзида мужассамлаштирган сиймодир".

Россия терма жамоасини бошқарган Гус Хиддинк Испаниянинг "Мага" газетасига берган интервьюсида шу мазмундаги саволга ўз фикрини билдирди: "Фиримча, ҳужумкор футбол фалсафасига таянган жамоагина чемпион бўлади. Голландия ва Испания айнан шу услубда ўйнай олади. Дель Боске шогирдлари саралаш босқичида бўлгани каби зўр ўйин кўрсата олсалар, улар мундиалда ҳам катта зафар кўчишлари мумкин. Бундан ташқари мен Англия терма жамоасини ва Лотин Америкаси давлатларидан бирининг миллий терма жамоасини ажратиб кўрсатган бўлардим".

Жаҳон чемпионатлари тарихига назар ташласак, голиблик шохсупасининг биринчи поғонасига кўтарилиш бахти етгани давлат терма жамоасига нисбатан экан. Эҳтимол, башоратлар чиппақка чиқиб, бу сафар саккизинчи давлат терма жамоасига омад кулиб боқар. Балки давogarлар сафида тилга олинмаган Осие ёки Африка вакиллари билан бироргаси шов-мувга сабабчи бўлар. Чунки футболда омад ҳам кўп нарсани ҳал қилади. Ахир, "тўп думалоқ, майдон текис", деб бежиз айтишмайди-ку.

давом эттиради. Таркибида дунёнинг энг кучли футболчиси тўп сурган жамоа кучли бўлмасдан яна қандай бўлади? Ҳа, Криштианудан ташқари термада яна бир неча аждоиб футболчилар жамланган. Анъанана мувофиқ талантлар ҳужум чизигига йиғилган, ахир гап евробразилияликлар ҳақида кетмоқда. Гуруҳда улар ҳақиқий бразилияликлар билан тўқнашишларига тўғри келади. Буни фақат кўриш керак.

Португалия саралаш учрашувларида қийинчиликларга дуч келди. Данияни олдинга ўтказиб юборди, плей-оффда ўйнашга тўғри келди. Энди бунинг аҳамияти йўқ, албатта. Роналду ва унинг сафдошларида терма жамоа таркибида галабага эришиш хоҳиш, иродаси қанчалик кучли бўлиши аҳамиятлидир. Кучли хоҳиш ва ирода жамоага қийин ўйинларда жула зарур бўлади. Ута мушкул ўйин португалияликларни гуруҳ босқичининг ўзида кутиб тургани яхши маълум.

Португалия термаси кейинги босқичда испанларга дуч келиши мумкин. Бундай бўлмаслиги учун португаллар гуруҳда испанлардан қолишмайдиغان Бразилия термаси устидан галаба қозонишлари керак. Хуллас, масала шундай: галаба қозониш ёки сездирмасдан ЖАРни тарк этиш.

Юқорида келтирилган тахминлар футбол оламида бўлган, бор ва бўлаверад. Бу борада ортиқча баҳс-мунозараларга қўпам берилиш лозим эмас, менимча. Аслида қандай натижалар бўлишини бир ҳафтадан сўнг кузатишни бошлаймиз. Барчангизга чиройли футболга ишқибозлик қилишни тилаймиз.

ТЕМУРБЕК

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси бошлиғи Шерзод Матиевга падари бузруквори


Раимжон отанин

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Тўп думалоқ, майдон ўнта

Бир ҳафтадан сўнг Жанубий Африка Республикасида старт берилган футбол буйича ЖЧ-2010нинг қизиқарли учрашувлари умумий ҳисобда 570 минг кишини сигира оладиган 10 та стадионда ўтказилади. 6 та арена чемпионат учун махсус қурилган бўлса қолган 4 таси қайта таъмирдан чиқаяпти. Эътиборингизга 2010 йилда футбол буйича жаҳон чемпионатларининг тарихдан жой олиши кутилаётган мазкур стадионлар ҳақиқатга маълумотларни тақдим этамиз.


"Соккер Сити" стадиони, Йоханнесбург. 95 минг томошабин. 1987 йилда қурилиб, 2009 йилда қайта таъмирланган. Ушбу стадионда чемпионатнинг 8 та ўйини, жумладан, финал учрашуви ҳам ўтказилади.



"Грин поинт" стадиони, Кейптаун. 68 минг томошабин. 2009 йилда очилган. Мазкур арена футболдан ташқари бошқа йирим мусобақаларни ҳам ўтказишга мўлжалланган. Ярим финал ўйинларининг бирдан ташқари ушбу стадионда яна 7 та учрашув ўтказилади.



"Дурбан" стадиони, Дурбан. 70 минг томошабин. 2009 йилда очилган. Стадионда регби, гольф, атлетика ва ҳатто сузиш мусобақаларини ўтказиш имконияти бор. Мазкур стадионда ҳам ярим финал учрашувларининг бирдан ташқари 7 та ўйин ўтказилади.




"Эллис Парк" стадиони, Йоханнесбург. 61 минг томошабин. 1928 йилда очилиб, 2009 йилда қайта таъмирланган. Мазкур стадионда чемпионатнинг 7 та учрашуви ўтказилиши кўтилмоқда.



"Лофтус Версфелд" стадиони, Претория. 50 минг томошабин. 1906 йилда очилиб 2009 йилда қайта таъмирланган. Чемпионатнинг 6 та ўйини шу ерда ўтказилади.



"Нелсон Мандела Бей" стадиони, Порт-Элизабет. 48 минг томошабин. 2009 йилда қурилган. Мазкур стадион чемпионатнинг учинчи ўрини учун ўтказиладиган ўйиндан ташқари яна 7 та учрашувга мезбонлик қилади.



"Фри Стейт" стадиони, Блумфонтейн. 48 минг томошабин. 1952 йилда очилиб, 2009 йилда қайта таъмирланган. Бу ерда жаҳон кубоги мусобақасининг 6 та ўйини ўтказилиши кўтилмоқда.



"Питер Мокаба" стадиони, Полокване. 45 минг томошабин. 1976 йилда қурилиб, жорий йилнинг бошида қайта таъмирланди. Сийёсий арбоб номи берилган ушбу стадионда чемпионатнинг 4 та ўйини ўтказилади.



"Мбомбела" стадиони, Нелспрейт. 45 минг томошабин. 2009 йилда очилган. Ушбу стадионда 6 та гуруҳ босқичи ўйинлари ўтказилади.



"Ройал Бафокен" стадиони, Растенбург. 42 минг томошабин. 1999 йилда очилган. Чемпионатнинг 4 та ўйини айнаи шу стадионда ўтказилади.



Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy GOIPOV,
Svetlana ORTIQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbasari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2009 yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir
qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish
faqat tahririyat ruxsati bilan amalga
oshiriladi.
1 - tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun
tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi - 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-9552. 23 916 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat nuqtai nazaridan berilgan va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi dizayner: S.BOBONOV
Navbachi muharrir: M.DUSIYAROVA
Navbachi: O'.DEHONOV

Gazeta haftaning
paysanba kunlari
chiqadi.

Sotuvda
kelishilgan narxda

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaga taqdim: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9